

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

БАРЛОС ҚИШЛОҒИНИНГ ЗУМРАД ТОНГЛАРИ

(ҳикоялар)

МУНДАРИЖА

Умид учқуни (Одил Ёқубов сўзбоҳиси)

1. Севишганлар
2. Жарима
3. Йигит ҳам йиғлайдими?
4. Исматнинг қисмати
5. Ҳашарчилар
6. Сомончилар
7. Йўловчи
8. Биринчи қор
9. Ҳаётнинг бир лаҳзаси

УМИД УЧҚУНИ

Бунга ҳам беш-олти йилча бўлди. Ўша пайтлар Фафур Фулом номли Адабиёт санъат нашриётида бош муҳаррир муовини эдим. Кунларнинг бирида эшик очилдию, қорачадан келган, озғингина йигит ичкари кирди, кейин у мендан: «Сиз Одил акамисиз?» деб сўради. «Ҳа» дедим. «Мен ҳикоялар опкелувдим». Иш бошимиздан ошиб ётган эди. Ростини, бир оз ансам қотди. «Қолдиригинг, бирорта муҳаррирга бераман, кўради. Фикрларини айтади сизга» дедим. Унинг кўзлари жовдиради. Ҳикояларимни сизга ўқитаман деган ниятда узоқдан йўл босиб келгандим. Жиллақурса, биронтасини варақлаб чиқмайсизми, а?» - Шу илтижо боис, қўлёмалари билан батафсил танишиш ниятида эмас албатта, бирон ҳикоясига кўз югуртиб чиқа қолай, деган ўйда қўлидаги жилдни олдим, очдим: «Сомончилар» - биринчи ҳикоянинг номи. Унга кўз югурта бошладиму... қандай ниҳоясига етганимни ҳам сезмай қолдим. Ҳикоя қишлоқнинг эл қатори яшаётган оддий бир йигити ҳақида эди. Яъни: куз, барлосликлар ҳам ғимирлаб қолишган. Қош қорайгандан кейин кўпчилиги совхоз ғаллазорига уриб кетишади. Сабаби – тирикчилик, сомон ўғирлашади. Ҳикоя қаҳрамони – манглай тери билан обрў топган, анавиларга қўшилишни истамайди. Севикли хотини, нима, ҳаммага ҳалол сомон сизга ноҳалолми, бизниям мол-ҳолимиз бор-ку, қаҳратон қишда ҳали бир сиқим сомонга зор бўламиз, деб уни қистовга олади. Бундай ўйлаб қараса, хотинининг гапидаям жон бор. Ҳамма ташиб ётибдию, биров бир нарса деяётгани йўқ! Хуллас, қаҳрамонимиз сомон ўғирлашга чиқади ва... бир неча кундан бери сомон ташиётган ҳамқишлоқлари бир четда қолиб, у қўлга тушади...

Нозик юморга йўғрилган бу асар қаҳрамонга катта муҳаббат билан ёзилган эди. «Сомончилар»дан сўнг бош кўтармай бирин-кетин қолган ҳикояларни ҳам ўқиб чиқдим. Уларда оддий қишлоқ кишиларининг ҳаёти ўйноқи оҳангларда, тиниқ ва бағоят самимий ифода этилган эди. Ўша ёш ёзувчи ким экан ўзи, деб сўрарсиз. У – Абулқосим Мамарасулов...

Эҳтимол, эшитмаган қулоққа ғалати туюлар, лекин ростини: ўша кунгача гарчи ўнлаб ёшларнинг қўлёмаларини ўқиган бўлсам-да, ҳали бирон марта бу қадар ҳаётини, қаҳрамонлари тирик, воқеалари таъсирчан ҳикояларни учратмаган эдим. Бугун Абулқосим Мамарасуловнинг янги ҳикоялари билан танишгач, ўша галдагидек, беихтиёр яна Василий Шукшинни эсладим. У оддий рус кишилари: ҳаром – ҳаришдан йироқ, пок, ҳалол кимсалар, уддабурро ва қилвирлар билан тўқнашиб, ёниб-куйиб юрадиган «чудак»лар, яъни ғалати одамлар ҳақида дурдоналар яратди. Шукшин асарларига хос бўлган айрим жиҳатлар Абулқосим Мамарасулов ҳикояларида ҳам кўзга ташланади, у барлослик «чудак»ларнинг жонли қиёфаларини чизади, табиийки, бу ўзига хос истеъдоддан далолатдир.

Абулқосим Мамарасулов қаҳрамонлари ғалати: содда-муғамбир, анқов-айёр бу кимсаларнинг ҳатти-ҳаракатлари одатийликка сиғишмайди. Мана, «Севишганлар» ҳикоясидаги Сайдан, у ғаройиб йигит, Норхолга соядай эргашиб юради, мақсади – қиз севадими, йўқми, шуни билиш. Беихтиёр кулгинг қистайди: чудак. Унинг анойинамо қилиқларида қалбининг беғуборлиги кўзгудагидай кўриниб туради. Сайдан оғзидаги ошини олдириб қўядиганлардан ҳам эмас. Бир сўз билан айтганда у ёш замондошимиз. Ўзи зўр йигит-да. Қадди-қомати келишган... Норхол уни севадими? Ўзи ҳам билмайдиюю Унинг сўроғига бир нима демайди. Чунки мактабни битириб, ўқишга бормоқчи. Институтга кириб ўқийдиган бўлгач, севмаслиги керак-да. Йўқса, хаёли бўлиниб, миясига дарс кирмай қолади». Бундан ташқари, Норхол гап-сўз бўлишдан қаттиқ чўчийди. Аксига олиб шундай бўладики, Сайдан унинг йўлини тўсади, ўпади ва албатта Норхолнинг «эҳтиёткор»лиги туфайли бу гап ўша оқшомдаёқ бутун Барлосга ёйилади...

«Жарима»даги Банот, барлосликларнинг назарида, худонинг балоси. Аслида у тирикчилик деб дийдаси қотган, ҳақни жойида қарор топтиришга қодир аёл. Ҳикояни ўқир экансиз, барча ундан юз ўгирганига гувоҳ бўласиз, ўзингиз эса ич-ичингиздан Банотни ёқлайсиз. Ундан юз ўгирган барлосликлар асарда кам кўринса-да, тасаввурингизда яхлит жонланади. Чунки бу тоифани - муросачиларни кўп кўрганмиз, уларга қолса, ҳеч ким тинчини бузмаса, сен же, мен же, деб баҳамжиҳат яшашса. Шу сабаб ҳақгўй Банотни сиғдирмайди улар...

«Йигит ҳам йиғлайдими?»да ёш ёзувчи катталар дунёсига эрта тушган мурғак қалбнинг изтиробли кечинмаларию, соғинчини таъсирчан йўсинда ифода этса, «Ойша холанинг «куёви»да яна ғаройиб кишилар ҳаётини қаламга олади. Асосан диалогга қурилган ҳикояда муаллиф бц бадиий восита имкониятларидан дуруст фойдаланади: мунозараю, суҳбатлар характер қирраларини очишга хизмат қилади. Ҳикоядаги Абдураззоқ ҳам ғалати одам. Э йўқ, бе йўқ, Ойша холанинг бир оғиз гапига ишониб, сени уйлантираман, деб сўпинамо Тоштемирнинг соқол-мўйловини қириб ташлайди. Боёқишни не кўйларга солади. Ҳатто тайинсиз шубҳа туфайли келинини уйдан ҳайдаб чиқаёзди. Кейин... шуниси муҳимки, Абдураззоқнинг ҳатти-ҳаракатлари хамирида ҳам эзгулик яширин. Қилиқларидан кулиш баробарида астойдил унга хайрихоҳ бўласиз. Булар барчаси ўз навбатида ёш ёзувчи ғаройиб замондошлари дарди-дунёсини, орзу-ўйларини, қувончу-ташвишларини чуқур ҳил қилишини, уларга меҳри чексиз эканлигини кўрсатади.

Абулқосим Мамарасулов қаҳрамонлари – тирик одамлар. Менимча, адабиётнинг бош вазифаси – тирик одамлар қиёфасини яратиш, уларнинг қалб драмасыни санъаткорона ифодалашдан иборат.

Ёш ёзувчининг қайси ҳикоясини ўқиманг, хоҳ «Йўловчи», хоҳ у – «Жарима» бўлсин, ҳаётнинг саркаш бир парчасидек таасурот қолдиради. Шу хусусиятни Даниил Гранин ҳам эътироф этди.

Бу ҳикоялар ҳақида яна батафсил гапириш мумкин. Лекин шу ўринда мен бошқа бир масалага тўхталмоқчиман: чин санъат асарини китобий, юзаки нарсалардан ажратиш осон эмас. Бунинг учун дид ва эстетик саъвия юксак бўлмоғи даркор. Худди шу йўналишда қилиниши лозим ишлар оз эмас. Бироқ афсус-надоматлар бўлсинки, китобийликка кўниккан айрим мунаққидларимиз ҳам ўқувчи дидини ўстиришга эмас, аксинча, қашшоқлаштиришга «хизмат» қилишади. Эҳтимол, Абулқосим Мамарасулов асарлари ўшандайларнинг «юксак талаб»ига жавоб бермас, лекин имоним комилки, нозиктаъб китобхон бу ҳикояларни ҳаяжон билан ўқийди ва ўқиш баробарида ғаройиб замондошлари билан ҳамдарад, ҳамнафас бўлади.

Яхши асар атрофида баҳсу-мунозара туғилиши табиий. Кимнидир мафтун этган ҳикоя бошқа бировга ёқмас, бироқ ҳаётий асар билан китобий асарни ажрата билмаслик – дидсизлик, холос.

Абулқосим Мамарасулов истеъдодли ёш ёзувчи. Унинг ҳикояларига хос асосий фазилат – бу, менимча, инсонни маънавий фаолликка даъват этувчи кучдир.

Одил ЁҚУБОВ

СЕВИШГАНЛАР

Сайдан (яъни Сайдирасул) кўпдан бери Норхолга соядай эргашиб юрарди... Норхол тўққизинчида, ўзи ўнинчида ўқиб юрган кезлари. Э йўқ, бе йўқ, бир кун у қизнинг йўлини тўсиб, ёдлаб олган шеърини эсдан чиқариб кўядигандек, шоша-пиша, «мен сени севаман», деди. Дабдурустдан айтилган гапга Норхолнинг кулгиси қистади.

- Нима қилай шунга? Қоч, йўлимни тўсма.
- Мен сенга, сени севаман, деяпман?!
- Ҳай, нима қилай севсанг? Қоч йўлимдан!
- Қочмайман. Олдин айт: сен ҳам мени севасанми, йўқми?
- Э бор-э! Калланг ишлайдими ўзи?
- Ишламайди. Айт: севасанми, йўқми?

Сайданнинг бир этикка икки оёғини тикишидан қизнинг аччиғи чиқа бошлади.

- Қоч, бўлмаса, ҳозир бориб отамга айтаман.
- Айтсанг айтавер. Отангдан қўрқмайман. Бари бир сени севавераман.
- Э бор-э! – деб Норхол уни силтаб, кетди, қолди.

Шунга ҳам бир йилча бўлди. Лекин ҳалиям Сайдан Норхолнинг кетидан қолмайди. Нуқул севиш-севмаслигини айт, деб тикилинч қилади. Норхол эса... гарчи ўшанда отамга айтаман, деб уни кўрқитган бўлса-да, отасига айтмаган. Сайданнинг қилиғига роса кулганди.

Сайдан ўзи зўр йигит-да! Қадди-қомати келишган. Тенгқурлари унинг олдида шунақа титрашадики, асти қўяверинг. Қаерда жанжал – Сайдан ҳозир-нозир, тағин енгиб чиқади. Норхол уни севадими – ўзи ҳам билмайди. У йўлини тўсиб, саркашлик қилгандан кейин у ҳақда оз-моз ўйлаб кўядию, кейин эсдан чиқаради. Унинг сўроғига бир нима демайди. Чунки, мактабни битириб, ўқишга бормоқчи. Институтга кириб ўқийдиган бўлгач, севмаслиги керак-а. Йўқса, хаёли бўлиниб, миясига дарс кирмай қолади. Сайдан-ку, ўзи яхши йигит-а, лекин... Норхол рўйхуш бермаслигининг сабаби бор. Онаси севишганларни жуда ёмон кўради. «Ота-онаси турганда қиз боланинг шуйтиб юришини ким қўйипти?» дейди. Норхол онасининг раъйига қарайди. Иложи қанча – ўқишга юбормай қўйишлари ҳеч гап эмас. Устига устак бирон киши, «фалончи фалончига кўз сузибди», деб қолса борми, худо урди-да. Шу куниеқ Барлос қишлоғини қора мушук каби миш-миш оралайди. Ўзини ақлли қиз деб ҳисоблайдиган Норхол эса гап бўлишни истамайди. Аввал гап-сўз бўлиб, кейин қиз томондан ота-она «совчилик»ка қатнаб юганини кўп кўрган. Ана, Улбозорнинг отаси Боғмон ака ҳам Абулхайрнинг орқасидан югуравериш, овора бўлиб кетди-ку! Тўғри, Сайдан Абулхайрга ўхшаганлардан эмас, яхши йигит, лекин Норхолга ҳали ҳеч ким керак эмас. Тўғриси – шу. Сайдан эса буни тушунмайди. Нуқул севасанми, йўқми, айт, деб оёқ тирайди. «Севаман десанг, бас, қачонгача бўлсаям кутаман. Агар бошқа дардинг бўлса, буни айт, орқангдан овора бўлиб юрмайин», дейди. Албатта, Норхол майли, демаган, демайди ҳам ҳам. Сайданни ўлгудай яхши кўриб қолганда ҳам, бари бир, айтмасди. Қадрини биладиган қиз бунақа гапни оғзидан чиқармайди-ку! Лекин узил-кесил йўқ дейишга ҳам, рост, тили бормайди. Бир йигит соядай кетингдан эргашиб юрса, ғалати-да. Шунинг учун ҳам дугоналарининг Норхолга ҳаваси келади. Унинг йўлини пойлаб Сайдан мактаб атрофида айланишгани-айланишган. Унга раҳми келибми, гоҳо дугоналари Норхолни койишади: «Нимага уни қийнайсан? Бер-да, жавобини! Ё ҳа де, ё йўқ!» Аслида ким унга овора бўл, депти. Норхол айтиптими? Бир гал кампирга ўхшаб мижинглайдиган дугонаси шунақа гапни айтганда Норхолнинг жини кўзиди: «Жуда жонинг ачиб бораётган бўлса, бор, ўзинг тег. Менга зарил эмас». Буни қаранг, бу гапи Сайданга ҳам етиб боришти. Ўша кун яна йўлтусарлик қилди: «Бу нима деганинг? Севмайман, деганингми? Бари бир мен севавераман. Лекин сен ҳам мени севишинг керак-ку!», деб туриб олди. «Севаман деганингча қўймайман!», дейди. Билиб олгани – шу. Худди тўтиқушга ўхшайди.

Бугун дам олиш кун бўлгани учун Норхоллар далага ишга чиқишди. Сайдан ҳам шу ерга келдию Бир оёғини ерга, иккинчи оёғини велосипедининг педалига тираганча, ишдан бош кўтармаётган қизларга пича қараб турди-да, кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Норхол иккита дугонаси билан тоқзор орасидаги йўлдан уйга қайтишаётганда Сайдан велосипедини учуриб келиб, уларнинг йўлига кўндаланг қилди-да, қизларга: «Сизлар кетаверингизлар. Менинг Норхолда ишим бор», деди. Норхол ҳам дугоналарига эргашиб кетаётганди, Сайдан астагина, лекин буйруқ оҳангида: «Тўхта, гапим бор», деди. Худди унга боғланиб қолгандай, Норхол тўхтади. Ҳар доимгидай, бор-э, деб кетаверса, бўлардию, нимагадир кетолмади. Сайданнинг овозидаги ҳукм оҳанги таъсир қилдими ёки унинг нияти қатъийлигини сезгач,

кетаман, деб балога қолишини билдими, ҳар қалай, унга бўйсунди. Йўқса, у бир қилиқ чиқаришдан тоймайди-да. Э, бу Сайдан!.. Қизнинг вужудига титроқ югурди. Дугоналари эса узоқлашиб кетяпти. Ниҳоят, Сайдан велосипеддан тушди.

- Юр бу ёққа! – У хотинини етаклагандай, Норхолнинг қўлидан тортиб, токзор орасига бошлади.

- Охирги марта сўраяпман, - деди Сайдан ўқрайиб, - мени севасанми, йўқми?!

Норхол унинг сўроғидан кўра важоҳатидан қўрқди. Йиғлагиси келди. Ерга қаради. Кейин нима бўлганини ўзи ҳам билмай қолди. Бир пайт ўзини Сайданнинг қучоғида кўрди... Сайдан уни қўйиб юборганда Норхол бирдан хавфсираб қолди: дугоналари кузатишаётган бўлса-я!? Энди Норхол билан Сайдан ўпишди, деган гап бутун қишлоққа овоза бўлади. Онаси ер муштлаб қарғанади. Шунини ўйлаб, Норхол даҳшатга тушди. Юрагини ўртаётган алам билан Сайданга ёмон тикилди. Шунда у аввалгидай қўрқинчли туюлмади. Афтидан, ўпич олганидан хурсанд, лабини ялаб, кулимсираб турибди. Кулимсираши қурсин, масхара қилаётганга ўхшайди. Норхол шартта бурилиб, уйига жўнади. Орқасидан Сайданнинг югуриб келишини, тиз чўкиб «мени кечир!», дея илтижо қилишини истади. Лекин... у шошганча кетиб бораркан, йўл бурилган жойда бояги икки дугонасини кўрди. Улар шивирлашиб, ишшайганча, Норхол томонга қараб қўйишди. Норхол эса ўзини бепарво тутишга уринди. Қарамасдан ўтиб кетдию Худо берди уларга, энди гап тарқатишгани-тарқатишган. Тешик кулоқ – онаси ҳам эшитади. Шунинг учун Норхолнинг ўзи айтгани маъқул. Кейин боши балога қолмайди. Нега энди анави кечирим сўрашга изидан келмаяпти? Норхол унинг нима қилаётганини, қай ҳолатда турганини билишни истарди, аммо орқасига бурилиб қарашга юраги бетламасди. Кўчани тўлдириб ўтишни истамай, томорқа тарафдаги ёлғизоёқ йўлга бурилди. Назарида ҳамма кўчага чиқиб тургандай: «Ай-яй,яйй! Норхолни қаранглар! Шундай қиз куппа-кундузи анави Сайдан билан токзорда ўпишиб юрипти-я!» деяётгандай бўлаверди. Сайдан... орқасидан келмади-я! Қандай қилиб унинг... Жуда иссиқ экан... Шундагина Норхол терлаб кетганини, Сайдан ўпган бети тобора қизиб бораётганини ҳис қилди. Ўпиш қизиқ бўларкан. Ўша пайтда унинг ичидан бир тўлқин отилиб чиқаётгандай бўлаверди. Агар Сайданнинг ўзи қучоғидан бўшатмаганда унинг бағридан чиқиш хаёлига ҳам келмасмиди? У қўйиб юборгандан сўнг бир лаҳза ҳайрон бўлиб турдию, кейин алам қилиб кетди-да. Ўпишга-ку, ўпди, тагин юзингда кўзинг борми демай, тиржайиб тургани ортиқча.

Норхол пақир кўтариб, молхонадан чиқаётган онасини кўрдию, бўшашиб кетдию

- Ҳа, нега бу ёқдан келяпсан? – сўради онаси ҳайрон бўлиб. Сўнг Норхолнинг олазарак кўзларига кўзи тушдию, ранги ўчди. – Нима бўлди?!

- Сайдан... - дедию, ўпкаси тўлиб, Норхол йиғлаб юборди.

- Нима Сайдан?! Урдими?!!

- Йўқ.

- Бўлмаса, нима қилди?!

Норхол йиғини авжга чиқарди.

- Ҳай, бунча изиллайсан? Гапирсанг-чи!! Нима бўлди ўзи?

- Қўлимдан ушлади.

- Ким? Сайданми? Қайси Сайдан? Давлат бовойнинг неварасими?

- Ҳа. Ўша!

- Вой қирилгур-эй! Нимага ушлайди?! Нима керак экан унга? Нима деди?

- Сени севаман, дедию Севиб қолганмиш!..

- Вой қирилгур-эй! Вой, ер юткур-эй! Севармиш?! Ҳа, илоё, севгинг бошингни есин! Бурнингни артиб ол, демадингми? Ҳалигача кўчада жанжал қилиб юради-ку, вой мишиқи-ей! Олдин отанг ўзини эплаб олсин, де! Ана! Ана шу-да. Булар...

Худди шу пайт пойлаб тургандай, отаси келиб қолди.

- Ҳа, она қизим, сенга нима бўлди?

Норхол хўнграб йиғлаб берди. Онаси қишлоқни бошига кўтариб қарғанди.

- Бу – Давлат бовойнинг невараси!.. Вой ер юткур-эй!..

Бу гап ўша оқшом бутун Барлосга овоза бўлди.

Норхол кечаси тушида уни кўрди: Сайдан унинг билагидан маҳкам тутиб олганмиш. Норхол, қўйвор, деб ялинса, нуқул ишшаярмиш...

ЖАРИМА

1

Маматнинг тепа сочи тик бўлиб кетди. Наҳотки одам қуриб қолгандай, келиб-келиб, уларга Банот кўр қўшни бўлса?! Бир қориндан талашиб тушган акасига ёмонлик қилиб, элдан қувилган хотин буларга тинчлик берармиди?

Банотнинг акаси бултур тўй қиламан, деб қаттиқ йиғинди. Чавандозлар кўпқарига бир-икки кун олдин оти билан келишади-ку, шуни ҳисобга олиб, отлар учун озроқ арпа ғамлаган экан. Қурғурни қаёқдан олган – у билади, худо билади. Тўй куни Банот атай райондан милиционерни бошлаб келиб, уни «тутиб» берипти. Тўй азага айланди. Акаси қулоғини ушлаб кетди. Банот эса, мана ... юрипти. Юргани майлия, одам қуригандай, келиб-келиб, энди Маматларга девор-дармиён қўшни бўлмоқчи! Раҳима холанинг ҳовлисини сотиб олмоқчи?! Гап шундаки, Раҳима хола бола-чақаси билан ота юртига кўчиб кетяпти. Бу ерда бир эмас, иккита ҳовлиси бор. Сотамиз, деб овоза қилишганига ҳам икки ойдан ошди. Арзонга булар кўнмайди, қимматга – талабгорлар. Раҳима хола уйни сотармиш, деган гап Банот кўрнинг ҳам қулоғига етипти. Эрини олдига солиб, бугун эрталаб Раҳима холаникига келибди. Шуни эшитиб, ҳамма ваҳимага тушиб ўтирибди.

- Банот кўр ҳамсоя бўлса, кўчиб кетиб тинчиймиз-ов, - деди ҳатто Маматнинг хотини.
- Нафасингни иссиқроқ қил-э! Эл бор, юрт бор, қолаверса, бригадир бор, ўйлаб, бир чорасини топишар ахир...

- Иқбол опаям хафа. Раҳима холага: «уйингни Банотга сотсанг – қарғайман. Борган жойида ёлчимасин, олган пули буюрмасин, дейман», деди.

- Раҳима холачи?

- Унда ўзинг ол. Ўзинг олмайсан, бошқага сотгани қўймайсан, қанақа одамсан ўзи, деди. Бир ҳовлисини тўққиз мингга савдо қилипти.

- Тўққиз минг? – Мамат ўрnidан туриб кетди. – Чолдеворга-я? Банот кўрнинг эси жойидами ўзи? Ё пулни ердан шипириб олиптими?

- Пулнинг зўри билан олмаса, ким унга уй сотарди. Раҳима холага пул керак эмиш, янги уй қурамиз деб анча қарз бўлипти. Энди Банот кўр кўчиб келса...

Маматнинг хаёлига бир фикр келиб қолди. У хотинини овутди-да, ташқарига чиқиб, отига минди. Бир талай қўшнилари кўчада уй савдосини муҳокама қилиб туришган экан.

- Оҳо! Жамоа жам-ку! Мунча? – сўраган киши бўлди Мамат, отининг жоловини тортиб. – Азага йиғилгандай бўлиб турибсизлар. Жон ҳовучлаб... Кўчиб келавермайди, э қизини...

- Кетидан сўкишни биз ҳам биламиз, - деди Усмон.

- Банот кўрдан, ўзи, нега қўрқасизлар? Кимки ўғри бўлса, ўша қўрқсин, - деди Мамат, Усмонга қарамасдан.

- Қўрқадиган бир биз эмасдир, - деди Усмон ранги ўзгариб. – Нима қиласиз шунақа гапларни чувалатиб.

- Нима дейин бўлмаса?

- Қўрни яқин йўлатмаслик керак.

- Қўлингиздан келса – йўлатманг! Бригадирга боринг, айтинг! – деди Мамат чўрт кесиб ва жоловини силтади.

Мамат илгари узумчилик бригадасида ишларди. Қаттиқ касалга чалиниб, узоқ даволандию, оғир ишга ярамай қолди. Икки йилдан бери совхознинг бедазорига қоровул. Отда ҳам куни бир айланиб чиқса – бас. Совхознинг энг чеккаси – шу бедазор. Банотнинг томорқасига туташ. Банотнинг бир қўра қўйи бор. Қачон қарама, болалари бедазор атрофида боқиб юришади. Бир куни қўйлар бедазорга тушган экан, Мамат ўзини босиб, танбеҳ берди. Банот ёмон. Ўрмон хўжалиги қоровули Самадбойнинг капасини кўйдирди...

Яхши бўлмади ўшандаю Самадбойдан ҳам озроқ... ўтди-да, ўзи. Э-э, бу Банот!! Ўшанда Самадбой иккови сояни олиб, ўтган-кетгандан ҳангома қилиб ўтиришган эди, бир маҳал... Асли Самадбойнинг ҳам айби йўқ эмас... Янтоқзорда қўйларини боқиб юрган Банотнинг эрини кўриб, беҳосият, деди. Мамат гап қўшмади.

- Ҳеч қўлга тушмади-да.

- Ҳмм!?

- Тунов куни бостирмага керак бўп қолди-да. Қўлинг теккандан кейин оғзинг ҳам тегади-да, тўғрими?.. Кесиб опкетаётсам, эр-хотин... Банот кўр – бош, «ўғри», деб ёқамдан олгудай бўлди-ёв. Ўргилдим сендақа тўғрилардан. Ҳап, сеними, шошмай тур, деб...

Шу чоғ қўйлардан бири нимадандир ҳурқидими, тисарилди, кейин бурилиб, ирғишлаганча дарахтзорга кириб кетди. Самадбой ўмганини кўтарди:

- Ҳў-ўй, Саъдулла ака! – деди ўдағайлаб, - қўйларингизга қарасангиз ўласизми?

Қўйларини дарров қайтарган Саъдулла ака бу гап ёқмади.

- Нима демоқчисан? – деди тап тортмай.

- «Нима демоқчисан?» дейди-я! Қўйни эплаган боқади-да.

- Қўйим давлатга сенчалик зиён етказгани йўқ..

- Нима, нима? – Самадбойнинг юзлари қорайиб кетди. Қўллари титраб ўрнидан турди-да, Маматнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, ета бир мушт уриб, Саъдулла акани қулатди. Мамат пича тайсаллаб турди. Қараса, иш чатоқ. Бориб ўртага тушди. Саъдулла акани турғизиб қўйган бўлди.

- Ифлос, муттаҳам! – Саъдулла ака тупуриниб, қоқинди. – Ўғри!

- Нима дединг? Ўзинг кимсан? Авлиёмисан? Ҳе, сендақа авлиёнинг... - Самадбой бир силтаниб, Маматни четга сурдию, яна Саъдулла акага ташланди. Ерга ётқизиб, тепа кетди. Мамат яна орага тушди, яна уларни ажратди, яна Саъдулла акани турғизиб қўйган бўлди. Кийимларига илашган хас-хашакни қоқишга ҳам ҳоли келмай, ҳиқиллаб кетаётган Саъдулла акага ачинарини ҳам, ачинмасини ҳам билмасди. Ҳар қалай у Банотнинг эри эди... Банот эса...

- Касофат! Энағар!... - Самадбой сўқинди.

Мамат ҳушёр тортди. Эсим борида этакни йиғиштириб, жўнаб қолай деб турганди, Самадбой уни туртди. Ғалати қараганча: «Оқ туя кўрдингизми?» деди. Шу чоғ бало-қазодай бўлиб, Банот кўр етиб келди. У шанғиллаб оламини бузар, деб чўчиганди Мамат. Йўқ, Банот бундай қилмади.

- Кўзларингни ўйиб оламан! – деди икки бармоғини Самадбойга нуқтаб. – Қўлларингни синдираман.

- Э, ҳовлиқма! Давлат бу дарахтларни сенинг қўйларинг учун эккан эмас. Ҳали жавоб берасан!

Тўлайсан!

- Қайси дарахтингни еди? Қани кўрсат-чи менга.

- Мен сенга атчўт бермайман. Тегишли жойда кўрсатаман. Тушундингми?

- Кўрсатолмайсан. Ўзинг қип-қизил ўғрисан! Нимани кўрсатасан? ...Ийе! Сиз ҳам шу ердამисиз? – деди Банот Маматни энди кўриб. Бу-ку, майли, «сен»дан чиқан, сизга нима жин урди? Ҳай, қўй, дейишнинг ўрнига...

- Опа, мен...

- Опа деманг. Сиздан ҳам кўнглим қолди. Одам деган шундай бўладими? Бу-ку, қип-қизил...

- Э, опа, сиз олдин нима гаплигини билинг. Ўртага тушган айбдорми?

- Нима гаплигини жуда яхши биламан. Ҳаммангни тилинг бир. Сенларга қолса...

- Ҳў-ўв! Ҳў-ўй, манжалақи! Кетасанми, ё бир уриб, ерга киргизиб юборайми? – Самадбой яна ўдағайлади.

- Кетмайман! Ур! Ана ур! Зўрмисан? Ур! Ҳа-а, уриб бўпсан! Қўрқасан! Қўрқмай кўр-чи! Шошмай тур. Бола-чақангни ўйлаб, ичимга ютиб юрувдим. Сениям эсингни киргизиб қўядиганлар бор!

Банот йўл бўйи жавраб кетди. Сўнг Мамат эшитдики, эрини касалхонага ётқизипти... Охири Самадбой қамалдию Маматнинг ҳам унга қўшилиб кетишига сал қолди. «Мен бор-йўғи уларни ажратгандим», деб зўрға қутулди.

Бедазорга етиб келганича ҳар нарсани ўйлайверганиданми, боши қизиб, Мамат ҳолсизланди. Отдан тушиб, ёнбошлади. Пича кўзи илинган экан, тапир-тупурдан уйғониб кетди. Қараса, бир қўра қўй шундоқ бедазорнинг уватида... Боши қотди: нима қилса экан? Ўзи, Банот кўр... Хотини «кўчиб тинчиймиз-ов», дедими? Саъдулла ака-ку, ёмон одам эмас, а, бари бир хотинининг йўриғига юради-да. Банот кўрни қишлоқнинг тенг ярми хушламаяпти... Тинчинг бўлмайди кейин... Ҳадиксираб яшашдан ёмони борми? Нима қилса экан-а!? Қўйлар бедазорга ёпирила бошлашди. Эгаси қани бунинг? Мамат ирғиб ўрнидан турди-да, отига минди-да, қўйларни олдига солиб ҳайдади. Бўлса-да, Банотнинг қўйлари чиқар. Қилаётган иши Маматнинг ўзига ёқмади, аммо... нима бўлса бўлар, .. ҳайдайверди. Анча жойга боргандан кейин ўгирилиб кўрдик, ўн-ўн икки яшар бола кетидан югуриб келяпти. – Банотнинг ўғли. Бўғилиб, қилт этиб, ютинди. Бир хаёл қўйларни бериб юбормоқчи бўлди. Яна... Банотни юраколди қилгани маъқул. Қўрқса, оч қорним, тинч қулоғим, деб иссиқ жойини совутмайди. Раҳима холанинг ҳовлисини олмайди. Қолаверса...

Мамат отини тўхтатди. Яқинлашган бола ҳам Маматнинг қўлидаги қамчиндан кўз узмай, ҳиқиллаганча тўхтади.

- Ҳа, жўра! – деди Мамат, унинг кенг манглайига қараганча, - қўйлар сениким?

Бола мўлтайиб, ҳа, деганча, бош ирғади. Кейин ерга қараб, кўзларини билаги билан тўсганча, хўнграб юборди. Яна бир нима бўғзига тиқилди.

- Қарасанг бўлмайдим қўйларингга?

Бола умидвор ёшли кўзларини унга тикдию Бу қараш Маматга Банотни эслатди. Дийдаси тош қотди. Хотини, «кўчиб тинчиймиз-ов» дедими? Қўшнилари ҳам?..

- Бориб энангга айт. Қўйлар бедапоёга тушган эди, Мамат ака ҳайдаб кетди, де.

Мамат қўйларни ҳайдадию Боланинг йиғисини эшитса-да, қайрилиб ортига қарамади. Тишини тишига босиб, йўлида кетаверди. Чайла ёнидаги қўтонча кўпдан бери бўш. Мамат қўйларни қўтончага қамади-да, чайлага кирди. Бахтига бригадирнинг ўзи ҳам шу ерда экан. Яхши бўлди – гувоҳликка ўтади.

- Ҳа, Мамат ака! Ишлар бошқачами бугун?

- Э, қўяверинг, бугун бир иш қиламиз, қоғоз-қалам борми?

- Топамиз. Нимаиди?

- Акт тузишни биласизми?

- Ийя, ийя, янгилик-ку! Нимага акт ёзамиз?!

- Банот кўрнинг қўйларини ҳайдаб келдим. Бир кўрқитиб қўймасак, бўлмайдиганга ўхшайди...

2

Банот Раҳима холаникидан кўнгли анча таскин топиб чиқди. Ҳовли савдоси пишиб қолаёзган эди.

Элдан четда яшаб, тўғриси, Банотнинг бўладигани бўлди. Бу овлоқ жойда қўни-қўшни йўқ ҳисоб. Сувни ҳам қудуқдан олишади. Яқин атрофда на бир дўкон, ва на бир қишлоқ бор. Нафсиламбирини айтганда, бу ер мол боқишга қулай. Лекин гап бунда эмас. Одамнинг тафтини одам оларкан. У ҳам элга элакишсам, бировнинг оғирини енгил қилсам, дардимга малҳам қўшнилари бўлса, дейди. Шунинг учун ҳам Раҳима холанинг уйига талабгор бўлди. Шунинг учун ҳам...

Банот уйнинг дарагини уч кун бурун райондан қайтаётиб, автобусда эшитди. Айтишларича, бир-иккита ҳовли сотилаётган эмиш. Унинг юраги ҳаприқдию Нима бўлганда ҳам биттасини олиш керак. Катта ўғли Самарқандда техникумни битиряпти. Районда ишлайман, дейди. Ўша ёққа кўчишса, унга ҳам қулай бўлади: хоҳласа, автобусда, автобус бўлмай қолса, хоҳласа, пиёда бориб келаверса ҳам бўладиган жой. Уч қақирим нима деган масофа ахир!? Район марказигача-да!

Аммо Банот эшитдики, Раҳима хола тезоб, таъбига ёқмаса, харидорга терс гапириб, қайтариб юборармиш. Шу боис у Раҳима холаникига чўчинқираб қадам босди.

- Ҳовли сотармишсиз, деб эшитдик, - дея гап бошлади Саъдулла ака, дастурхон ёзилиб, бир пиёладан чой ичилгач. – Агар савдомиз тўғри келса, ҳовлингизнинг бирини олсак, деган ниятимиз бор эди.

Биргаллашиб иккала ҳовлини ҳам кўриб чиқишди. Нариги уй-жой анча кўримсиз, одам яшамаётгани учунми, ўт босган эдию Бундан ташқари автобусдаги хотинларнинг гапига қараганда йигирма йил олдин бир одам шу ҳовлида тентак бўлиб қолиб, кўчиб кетган экан. Кейингиси ўн беш йил яшаб, бефарзанд бўлиб, охири касалга чалиниб, буниси ҳам кўчиб кетибди. Раҳима хола номига ўғли учун сотиб олса-да, ўша катта ўғли шу ҳовлида яшаб, шу ҳовлидан ота юртига кўчиб кетибди. Шу ҳовли... ҳақиқатан ҳам пешайвонли, томорқаси ҳам хийлагина, молхонаю, қўйлар учун қурилган қўраси бор. Ошхона-омбори мустаҳкам. Чорбоғдаги мевали дарахтлар ҳам анчагина...

- Мана шу ҳовлига нарх айтинг, - деди Саъдулла ака, Банот билан маслаҳатлашиб олгандан кейин.

Раҳима хола Самарқандда ўқийдиган, бугун қандайдир сабаб билан уйга келиб қолган ўртанча ўғли – Воҳидга қаради.

- Бу ҳовли ҳозирча тура туради, - деди Воҳид, - аввал акамникини сотамиз.

- Нега?

- Энди... майда-чуйда кўч-кўронлар шу уйда. Биз сотсак, эртага ҳовлини бўшат, дейсизлар. Майда-чуйдани бу ҳовлидан у ҳовлига ташиш керак. Сизларга шу ҳовли яхши кўриняпти-да, а? Аслида униси яхши. Уй – янги, пойдевори мустаҳкам. Сизлар, хоналари кўп, айвони бор, молхонаси катта, деб бунга қизиқяпсизлар, аслида...

Саъдулла ака Банотга қаради. - Воҳиднинг гапида жон бордек туюлди. Банот бари бир фикридан қайтмади. Эгаси мақтаган молдан қоч. Қиммат бўлса, шуниси маъқул, эгаси ёлчимаган уйдан узоқроқ

турган маъқул.

- Энди ўзларингиз биласизлар, - деди Раҳима хола, - лекин бу ҳовли ўн мингдан камига сотилмайди.
- Ўн минг бўлар, етти минг бўлар, савдони қочирманг, - деди Банот қувониб, чунки Воҳиднинг гапидан кейин бир оз ташвишланиб қолган эди.

- Сизлар фойдаларингизни билмаяпсизлар-да, - деди Воҳид. – Тўғри, нариги ҳовлимиз ҳақида ҳар хил гаплар чиққан. Қолаверса, акам беш йил ўша ҳовлида яшади, учта фарзанд кўрди. Кўчиб кетаётганда ҳам қишлоқнинг ярми тўпланиб, оқ йўл тилаб қолди. Ҳар ким ҳар нарса деяверади-да.

- Энди-и, - дея чўзиб гап бошлади Саъдулла ака, - бизниям сизга ўхшаган устудент ўғлимиз бор. Ўшани уйлантириб, шу ҳовлига киритсак деймиз. У районда ишламоқчи. Бу ердан қатнаш қулай. Уйни савдо қилган билан ҳали-бери кўчиб келмаймиз. Майли, қанча яшасанглари яшайверинглари, розимиз. Фақат гапни пишитиб қўяйлик. Пулиниям пичасини олинг. Қачон нариги ҳовлини сотиб, кўчиб кетадиган бўлсаларингиз хабар қиласизлар, биз етиб келиб эгалик қиламиз. Сизлар кўчиб чиқиб кетаверасизлар.

Воҳид кулимсиради:

- Ҳозир биз пулни олсак, орадан уч кун ўтмай, чиқ менинг ҳовлимдан деб келсангиз... Қўйинг... бу ҳовли ҳали сотилмайди.

- Ундай деманг, ука, - деди Банот, уйдан қуруқ қолаётгандай шошиб, кейин Раҳима холага ўгирилди. – Дугона, сиз айтинг, ўғлингизга айтинг ахир, сал шаштидан тушсин. Энди, ҳар ким таъби тортган овқатни ейди. Бизга шу ҳовли маъқул. Етти минг бўлмаса, саккиз мингга берарсизлар?

- Аввало сотилмайди. Сотилса, нархи – ўн минг! Бир тийин кам эмас! – деди Воҳид қатъий.

- Оббо укам-эй! Дугонам харидорларни яқин йўлатмаётган эмиш, деб эшитиб, роса қўрқиб келгандим. Сизни кўриб хурсанд бўлиб ўтиргандим, сиз онангиздан ҳам ўтказиб юборар экансиз.

Улар кулишди.

- Мен гапнинг пўскалласини айтяпман. Нариги ҳовли қачон сотилишини билмаймиз. Бир йил, балки икки йил туриб қолар. Шунча вақт кутмайсизлар-ку, тўғрими?

- Майли, майли, биз ҳали-бери келмоқчи эмасмиз. Саккиз минг деганминан шунча пулимиз йўқ ҳозир. Савдоси пишса, бас, кейин йиғинамиз. Энди,.. ҳозирча, минг сўмми, бир ярим мингми, бериб қўяйлик. – Саъдулла ака қўйнига қўл тикди.

- Қўйинг, ака, қўйинг, пулингизни чиқарманг.

- Ҳай, бўлмаса, саккиз мингга розимисиз? Шунга барака қилайлик, қўлингизни беринг, ука!

- Ие! Қўйсангизчи, нима, барака олиб, бизни қасамга таямоқчимисиз?

- Майли, - деди Саъдулла ака қўйнидан қўлини олиб, - шартларингизга розимиз. Фақат шу ҳовлини сизларга берамиз, деб бизни ишонтиринг.

Воҳид онасига қаради.

- Дугона, ўғлингизга айтсангизчи. Бир нима денг ахир! – дея Банот тилга кирди. – Бизлар ҳам бир орзуманда одам. Шу ҳовлида бола-чақамиз яшасин, барака топсин, деб яхши ниятда келганмиз. Бошқалар берадиган пулни биз ҳам берамиз, кўпроқ ҳам берамиз. Тўққизга кўнасизларми?

- Она, бу уйда ким турса ҳам бизга бари бир эмасми? – деди Воҳид. – Бу кишилар шундай яхши ният қилиб... Лекин айтиб қўяй, то кўчиб кетгунимизча индамай турасизлар. Гап пулда эмас-у... Умуман, шу ўйни олаётганларингизни ҳеч ким билмагани маъқул. Тўғриси айтсам, қўни-қўшнилари битта-яримта гап қочяпти. Боя Усмон ака чиқиб... Ҳай, майли, шу гапда... акангиз билан ораларингизда қандайдир гап ўтган экан-ку!..

Эру-хотин ерга қараб қолишди. Орага ноқулай жимлик чўкди.

- Нима ҳам дердик, эл ичида бир марта ёмонотлик бўлганмиз, - деди Банот жимликни бузиб, - майли, сиз айтганча бўла қолсин...

Улар кетаётиб, кўчада Усмонга рўпара келишди.

- Ҳал бўлдими? – талмовсираб сўради Усмон.

- Йўқ, келишолмадик, - деди Саъдулла ака.

- Бари бир шу ўйни оламиз! – деди Банот, унга синовчан тикилиб.

Усмоннинг юзи беўхшов қийшайиб кетди, мўйлови асабий қимирлади, бежо кўзларини олиб қочди.

- Қанча дейди?

- Ўн минг!

- Ўн минг?! Шу гувалагами? Яхшиси сизлар Товбой аканинг уйини олингизлар. Шипирланган, пойдевориям зўр.

Товбой аканинг уйи ҳам Раҳима холанинг иккинчи ҳовлисига ўхшаб, лаънат тамғаси босилган, икки

оила ёлчимаган, шунинг учун энди арзон бўлса-да, бирон киши олишга журъат этмаётган ҳовли эди.

- Бизга шу уй ёқади, - деди Банот, Усмонга тик боқиб. – Юз минг бўлсаям шу ҳовлини оламиз.

Кўнглингиз қандай?

Улар йўлда давом этишди.

Воҳиднинг гапида жон бор шекилли. Усмон... Қаёқдан эшитди экан булар? Банот уй оламиз, деб бировга чурқ этгани йўқ. Эрининг-ку, оғзи маҳкам. Шайтоннинг ишими бу? – бутун Барлосда шу гап. Ишқилиб, бир ёмонотлиққа чиқма. Эл оғзига номинг тушмасин экан. Асли Банотда нима айб? Рост, акаси унинг дастидан қамалди. Лекин... аслида-ку, Банот қаматмоқчи эмасди. Шундай бўлиб чиқишини туш кўриптими? Милиционерлар бир тоннача арпа топишди, кейин бошқа айблари ҳам очилиб...

Акаси дала бригадир эди. Совхознинг неча минг гектарлик лалми еридан ўрилган буғдой, арпа, сомон унинг қўлидан ўтарди. Тўйга тайёргарлик кўриб, кимлардан маслаҳат сўрамади, лекин: мана шу синглимдир-ов, шунда ҳам кўнгил бордир-ов, деб кўр бўлса-да, Банотни йўқламади. Шунақа иш қилиямиз, сингил, нима дейсан, демади. Албатта, Банот тоғни ағдариб келолмасдию, ҳар қалай, кўнгил-да. Нуқул етти ёт бегоналар, машина минганларни чақирди. Мунда-ай, узоқроқда турса ҳам бошқа гап эди. Кўз кўрмайди, қулоқ эшитмайди, хотиржам юрасан. Ахир ёнма-ён яшаб... Банот истаса-истамаса, акасиникига ким қиряпти, ким чиқяпти, кўриб-билиб туради. Бу ҳам камдек, биттасига: синглимнинг ҳам, куёвимнинг ҳам тайини йўқ, бир дастурхон атрофида ўтиргинг келмайди уларминан, депти. Ана шу гап баридан ошиб тушди. Ҳатто тўй куниям бир оғиз йўқлатмади. Фақат тўйхабарчи эл қатори, «фалончиникига тўйга», деб ўтиб кетди. Ўғли, ботинкам йиртиқ, тўйга қандай бораман, деб хархаша қилди. Эри бояқиш, дили оғридими, мунғайиб уйга кириб кетди. Ноғоранинг така-туми... Созанда ноғорани эмас, унинг миясини чалаётгандай... Банот дунёга келгандан бери бунчалик хўрлик кўрмаган эди. Шарттга тўйхонага кириб борди-да, акасининг энгидан тортди.

- Нима керак сенга? – деди акаси энсаси қотиб, сўнг қўлини жеркиб тортиб олдию

Банот кўр ёниб, ловуллаб кетди. Акам, ҳеч бўлмаса, кўнгил учун, «қаёқда юрибсан, бу ёққа ўт», дейди деб умид қилган эди. Йўқ, ундай бўлмади.

- Тўйингизни бузаман! – деди Банот, бутун қаҳрини ягона соғ кўзига жамлаб.

- Бор, бор, кўп шақилламан! Ишқилиб, бир ёмонлик қилмасаларинг туrolмайсанларми?

- Туrolмайман! Ёмонлик қиламан! – деди Банот депсиниб. – Бизлар ҳам одам эдик, синглингизман!

Бировларга ўхшаб ҳаром-ҳаришдан...

- Ҳўй, менга қара, нима демоқчисан ўзи? Йигирма йилдан бери ҳоли-жонимга қўймайсан! Синглим бўлганингдан ор қиламан. Энди бир каминг тўй бузиш қолувди. Бор, билган п...ни е!

- Буниси менинг ишим! – деди Банот.

Кейин... Ўзи шунақа: Банот аччиғи чиқса, ҳеч балодан қайтмайди. Жаҳл устида кўп ишларни қилиб юборади. Бунинг оқибатини, аччиғи тарқаса пушаймон ейишини сезиб турса-да, бари бир, қилади. Бир томондан одамлар ҳам... диндан чиқариб юборадиган муомала қилади-да. «Ҳап, сеними?!», дейдиган даражага олиб боради. Мана, Усмон ҳам қўли эгри, тагин... Банот ҳам бошқалардай ҳеч нарсани кўрмагандай тинч яшашга кўп уринди, бўлмади...

3

Эру-хотин уйда ўтириб, энди нима қиламиз, шунча пулни қаёқдан топамиз, деб хомчўт қилиб ўтиришганда ўғиллари ҳиқиллаб келиб қолди. Нима эмиш, Мамат қоровул қўйларни ҳайдаб кетган эмиш.

- Ҳе-е, одам бўлмай кет-э! – Банотнинг аччиғи чиқди. – Нега ҳайдаб кетади? Онасининг маҳрига тушган эканми? Ҳайдаб кетса, индамай қараб туравердингми, эшшак! Ҳў, оғзингдан қонинг келгур! Ўчинр овозингни!

Бола йиғидан таққа тўхтади. Бурнини тортиб, кўзларини ишқалади.

- Қаерда боқаётган эдинг? Ё бедапояга тушдимми? Тўғрисини айт, алдама!

Бола индамади.

- Гапирсанг-чи, ер юткур! Тилинг узилиб тушиб қолмагандир?! Бедапояга тушганмиди?

Бола йўқ, деган маънода бош чайқадию, яна хўнграб юборди. Банот бир нимани англагандай, бечораваш, ўйланиб қолди. Мамат икки йилдан бери бедазорга қоровул. Бирон марта сан-манга борганлари йўқ. Шундай одам билан ҳамсоя бўларканмиз, деб Банот хурсанд бўлганди. Энди...

Мол аччиғи – жон аччиғи. Банот эрини қийин-қистовга олиб, Маматнинг олдига жўнатди. Жўнатдию,

кейин пушаймон қилди. Ўзи бориши керак эди. Мамат билан яхшилаб гаплашиб қўярди. Нега бундай қилади, а? Банот ўзини қўярга жой тополмай, ҳовлига чиқди, яна уйга кирди. Ўғлидан: «бедапояга тушганмиди, йўқми?», дея қайта-қайта сўради. Жавобини эшитишга сабри етмай, шошилиб, кўчага чиқди, яна...

Ниҳоят эри шалпайиб қайтиб келди.

- Қўйлар қани?! Давлатга топшириб юбориптими? – сўради Банот ўдағайлаб. Ўзи, бу лапашанг эрининг қўлидан бир иш келмаслигини яхши биларди. Шунинг учун юборганидан пушаймон еди.

- Қўйларинг юз сўмлик бедани еб қўйди. Ё жарима тўлайсан, ё қўйларингни давлатга топшириб юбораман, деди.

- Юз сў-ўм! Унта қўй юз сўмлик беда ептими? Юз сўмга беда олсам, уч ой қиш едираман-ку!

- Акт ҳам тузипти, менга қўл қўйинг, деди, қўймадим...

«Акт»ни эшитиб, Банотнинг дами ичига тушди. Сўнг яна аччиғи чиқди. Мамат ҳали Банотнинг ноғорасига ўйнамапти. Ҳозир районга бориб, битта милиционерни бошлаб келади-да, ҳу, яккатутнинг тагида пойлаб туришади. Ўзи, ўз оёғи билан... Банот рўмолини бошига ташлаб, районга кетдим, деб кўчага отланганди, эри тўхтатди:

- Шошмасанг-чи, пишириб қўйиптими у ёқда? Мамат штарاپни бир соатда опкелсангиз опкелдингиз, бўлмаса, қўйлардан умидингизни узинг, штрап ўрнига топшириб юбораман, деди.

- Мен ҳам Маматни давлатга топшираман. Би-ир ўтириб чиқсин, эси жойига тушади. Самадбойга қўшилиб кесилаётган эди, аслида бекор гуноҳидан ўтган экан-да. Ҳу, уйгинанг куйгур!

- Ў-ўв, гапга тушунмаган, қўйларинг давлат ҳисобига ўтиб кетади, деяпман. Кейин Раҳима холанинг ҳовлисидан ҳам айрилиб қоласан. Сен бўлса... Яхшими, ёмонми, эртага Маматга ҳамсоя бўлсак... Униям бола-чақаси бор. Кўз кўзга тушади. Ҳадеб районга бораман, дейсан. Сен каллани ишлат. Маматга бас келолмайсан: қўлида қоғози бор. Бригадир, яна битта ишчи, уч киши қўл қўйган. «Мен давлатнинг одамиман, давлатнинг бедасини қўриқлаяпман», деди Мамат. Ҳар ерда унинг гапи ўтади.

Банот иккиланиб туриб қолди. Сўнг:

- Бедапояга тушгани ростми ўзи? – дея ўсмоқчилади.

- Муни бориб Маматдан сўра. Учта одам бекорга буйтмаётгандир ахир!

- Ҳу қирилиб кетгур! – Банот ғазабини бир чеккада мунғайиб ўтирган ўғлига сочди. – Мамат қўйларнинг ўрнига сени қўрага қамамайдими, сени давлатга топшириб юбормайдими? Юз сўм тугул, биров бир сўмга олмайди сени! Қирғининг келсин! Қирғинларинг келсин-а!

Бола йиғлади. Саъдулла ака ўртага тушди:

- Қў-ўй, бўлари бўлди! Энди бу ёғини ўйлайлик. Хў-ўш, нима қиламиз?

- Манови оғзингдан қонинг келгур берсин юз сўмни! Менинг ортиқча пулим йўқ. Бедапояга тушгани ростми? Ўла, қирилиб кетгур! – Банот яна ўғлига ёпишди. – Бир тийинлик нафи тегмайди, юз сўмлаб зиён етказди. Қўйларни оралатиб юборган бўлсанг керак. Мамат бекорга буйтмайди. Сиз ҳам ландавурсиз! – Банот эрига ўгирилди. – Тушунтирмадингизми? Бир марта кечир, демадингизми? Ўзим бориб гплашаман Мамат билан! Шошмай турсин! Айтганим – айтган, деб ўйлаган-да! Қўйларни топшириб кўрсин. Бунда-ай, отининг юганига тармашмайсанми? Ака, қўйинг, бир марта кечиринг, демайсанми? Ҳе ўл-а!!!

- Бақириб бўлдингми? Пулни олиб чиқ.

- Қанча?

- Олиб чиқ, озроқ... Ишқилиб, Мамат кўнадиган бўлсин. Бари бир юз сўм бермаймиз-ку.

Банот ичкарига кириб, сандиқни очди-да, саксон сўм олди. Шу заҳоти ўн сўмни қайтариб жойига қўйди: «Мамат бу пулни еганга п...мни есин!» Етмиш сўм! Банот яна ўн сўмни сандиққа қайтарди: «Мамат шу ёғини есаям оғзи-бурни тўлиб кетади!» Қўлидаги олтмиш сўм ҳам кўп эди: «Бу пулни Мамат ўлсаям давлатга топширмайди: «Ҳаромхўр!» Бермайин деса, актнинг кучини яхши билади. Ушанда кўрган: «Самадбой урганда эри бир кечаю-кундуз қон тупуриб ётган. Охири духтурхонага олиб боришди. Самадбой ували-жували, болалари чирқираб қолмасин, деб эри даъвоси йўқлигини айтибди. Лекин духтур: «Ким у, совет замонида бировни урадиган зўравон?», деб шартта акт ёзиб ташлаптию... Мамат ҳам ўшанда оёғидан илинган эдию... Хў, қон қусгур!

Банот пулни кўкрагига босиб, эшикка йўналди. Назарида яна ўн сўм ортиқчадай: «Нима қипти? Эллик сўм ҳам Маматни тешиб чиқади? Ўлмайди! Шуни ҳам тинч-омон бола-чақасига едириб кўрсин-чи!» Банот яна ўн сўмни сандиққа қайтарди.

4

- Сиз ҳам бопадингиз, - деди бригадир қотиб-қотиб куларкан. – Юз сўм-а! Бало экансиз! Яна, директорга ўхшаб, дўқ урганингиз ортиқча! Сизни ювош одам деб юрсам... э, яшанг-э! Банот кўрнинг эрини кўрқитдингиз-а.

- Э, ука, керак бўлса, ювошнинг йўғони чиқади. Томошани энди кўрасиз. Ҳали замон Банот кўр ҳалпиллаб келиб қолади.

- Келса, қочиб кетмайсизми?

- Йўқ. Қочмайман. Бугун у билан би-ир-р ташлашайин.

- Банот кўр юз сўм беради, деб ўйлайсизми?

- Э, менга бир тийиниям керак эмас. Пулини бошимга ураманми? Бугун уни маралний эзишим керак. Гап шунда.

- Қўлингиздан келмайди-ёв.

- Бу нима? – Мамат «акт»ни пеш қилди. – Биз қоровулмиз, ҳаққимиз бор. Энди сиз ҳам оғзингизга талқон солмай, онда сонда гапни қувватлаб туринг-да.

Банот ўғли билан эрини етаклаб келганда улар ҳамон чайлада маслаҳатлашиб ўтиришарди. Банот кўтончадаги қўйларни кўрибми, ё бошқа мақсаддами, ювошгина бўлиб, чайланинг четига чўкди.

- Келинг, - деди Мамат пинак бузмай.

Чайлага бир зум ноқулай жимлик чўкди.

- Ҳамсоя бўлиш ниятимиз бор эди, - деди ниҳоят Саъдулла ака, - сизни яхши одам, деб кўп эшитганмиз, ўзимиз ҳам биламиз. Кўз кўзга тушиб турадиююю

- Ҳа-а... - деди Мамат кинояомуз, давом этаверингчи, дегандай.

- Энди-и, тўғри: бизнинг номимиз ёмонотлиққа чиққан. Яхши бўлсак ҳам ёмонмиз, ёмон бўлсак ҳам ёмонмиз. Биздан ўтгандир, ўтмагандир, қўйимиз бедага киргандир, кирмагандир, мана, ўғлимиз билади, сиз биласиз. Бир айбимиздан ўтинг...

Эрининг эзмаланишидан Банотнинг тоқати тоқ бўлди:

- Қўйларни беринг, - деди у Маматга ўқрайиб.

Бу гап Маматнинг нафсониятига тегди. Бир нарса деб юборишига сал қолдию, шайтонга ҳай бериб, ўзини босди:

- Ана, турипти қўйларингиз, олиб кетавермайсизми?

Кинояга киноя билан жавоб қайтаришга Банот ожиз эди. Ожизлигини ҳис этиш ундан-да ёмон. Энг ёмони – Маматнинг қўлида «акт» бор. Қолаверса, эрта-индин... Шуларга суянарман, деб...

- Мар-ҳа-ма-ат! – деди Мамат, сўзининг ҳар бир бўғинига урғу бериб ва қўйнидан буклоғлиқ қоғоз чиқарди. – Мана, шу «акт»ларга қўл қўйинг-да, қўйларингизни олиб кетаверинг. Икки соатдан бери уларни кўриқлаб ўтиравериш жонга тегди.

- Қўйлар бедапояга кирмаган! – деди Банот хезланиб.

- Кирмаган?! Ҳа-а, шундайми? Яна нима демоқчисиз? Тағин қанақа тухматингиз бор, қўшнижон!?

Айтинг! Армон бўлиб қолмасин. Балки давлатнинг бедаси катта энангиздан қолгандир, сизга мерос бўлиб!? Қўлингизда қоғозингиз ҳам бордир, бу бедазорда Банотнинг қўйлари бемалол ўтлаб юравериши мумкин, деган. А?! Бедазор отамдан қолган эмас, индамай кетаверсам. Давлатнинг мулки – бу! Мана бу «акт»га, - Мамат қўлидаги қоғозни силкиди, - қўл қўйсангиз қўйдингиз, қўймасангиз, бош тортди, деб ёзиб, ўзингизни ҳам давлатга топшираман, қўйингизни ҳам.

Эр-хотин бош эгиб қолишди. Орага яна ноқулай жимлик чўкди. Мамат бригадирга қаради, бригадир кўзларини олиб қочди. Мамат томоқ қирди. Ниҳоят бригадирдан садо чиқди:

- Бедани егани-ку, майли-я, - деди у чайналиб, аммо лекин... шундай катта йўлнинг ёқаси, раҳбарлар келиб қолса... яхши эмас. Бу кишигаям қийин, бўйнида жавобгарлиги бор...

- Мана бундан бўлган-да! – Банот туриб-туриб яна ўғлига ёпишди. – Қўйлар бедага кирмади, дегандинг-ку, жувонмарг!

Бола ҳиқиллади.

Бир юк Маматнинг елкасидан шундай босдики, ерга кириб кетаётгандай бўлди.

Банот ўғлини шапатлай бошлади. Бола йиғлаганча, чайладан қочиб чиқди.

- Бўлар иш бўлди, Маматжон ука, - деди Саъдулла ака. – Ҳамма гапингиз тўғри. Мен ўзим яримжон одамман, биласиз. Янгангиз уй ташвишидан ортмайди. Каттамитиз техникумни битиряпти. Шу вақтгача зарари тегса тегдики, фойдаси тегмади. Кичкиналарининг қилиб ўтирган иши – мана бу! Ўзингиздан

қолар гап йўқ. Биз ҳам яхшилигингизни унутмасмиз. Бир кун қайтарармиз. Сиз айтганча пул тополмадик. Тишимизнинг қавагида асраган қирқ сўм пенсия пули турган экан, янаги ойгача қозон қайнатмасак қайнатмасмиз, болаларнинг ризқидан қийиб, шуни олиб келдик. Мана! Илтимос, шу «акт»ни йиртиб ташланг. Қўп яхшиликларингизни кўрганмиз, яна бир укалик қилинг, Маматвой! Шу тобда Мамат қаёқдан ҳам Самадбойни, унинг бола-чақасини эслаб қолди. Дийдаси қотди.

- Нега «акт»ни йиртар эканман?!

- Бир гапдан қолинг энди, Маматжон! Йиртиб ташланг шуни, жон ука.

- Йиртиб ташласак, кейин сизнинг қирқ сўмингизни қаёққа қўямиз?

- Майли, қаерга қўйсангиз қўяверинг. Шу қирқ сўм сизники.

- Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? – Бирдан Маматнинг жини тутиб қолди. – Мен пулингизга зор эмасман. Худога шукр, оёқ-қўлим бут. Сиз... сизларга қолса, ҳамма - ўғри, муттаҳам! Битта сизлар – тўғри! Сизлар – ҳалол! Самадбой-ку, майли, туғишган акасини қон қақшатган одам... - бригадирнинг турткиси боис Мамат тилини тишлади.

Бошқа пайт бўлганда эр ҳам, хотин ҳам Маматга нима дейишни яхши билишарди. Оғиз очгани қўйишмай, юммалаб ташлашарди. Лекин ҳозир... иложи борица камроқ чиқимдор бўлиш, Маматнинг жиғига тегмай, қирқ сўм билан масалани ҳал қилиш... Мамат юз сўмнинг барини келтирасан, дея оёқ тирамаётганидан хурсанд бўлишса, пулни олмаётганидан ташвишга тушиб қолишган эди.

- Энди, Маматжон, қўйинг шу гапларни! Манавини олинг-да, бизни...

- Ҳў-ўй, нима деяпсиз ўзи? Пора берганиям қамайди, олганиям. Қонун бор-а, тўғрими, бригадир?

- Ҳм-м.

- Мана, бригадир гувоҳ, қўйларингни ҳам, ўзларингни ҳам, актни ҳам керакли жойга топшираман. Мамат бунчалик дейишга бормас эди. Боши қотиб қолди. «Акт»ни тузишга туздия, энди нима қилади? Уни йиртиб ташласа, анави пул... пора ҳисобланади, шекиллию Бригадир эса миқ этмайди.

- Майли, «акт»ни йиртманг, - деди Саъдулла ака бўшашиб. – Фақат ўша, «юз» деган жойини ўзгартиб, «қирқ» қилинг. Бизгаям раҳмингиз келсин. Тўғри бўламан, деб тўқмоқ еб юрган одамлармиз. Энди-и, давлатга ўзингиз топшириб қўярсиз. – Саъдулла ака пулни икки қўллаб узатди. – Мана, яна ўн сўмим бор эди, унияям қўшай. Эллик сўм бўлди. Олинг энди шуни, Маматвой!

- Тортинг-э! – Мамат жон-пони чиқиб тисарилди. Юзи оқариб кетди. – Бу нима қилганингиз? – деди у лаблари гезариб, - ҳозир...

- Жон, ука, хўп дея қолинг! Яхши кунларингизда қайтарайлик. Болаларингизнинг ҳузурини кўринг. Жон, ука!.. – Саъдулла ака аянчли мўлтайганча, тиззалаб Мамат сари силжиди, узатилган қўлларида эллик сўм пул. – Қўйинг энди, нима ўтса биздан ўтди, бир марта кечиринг... - Кўзларида ёш қалқиди, овози қалтираб кетди.

Мамат тисарила-тисарила чайладан чиқди. Чиқатуриб:

- Бригадир билади, бригадир, - дейишга зўрға куч топди.

Бригадир юзини ўгирганча тутақиб ўтирар, афтидан яхшилик қиладиганга сира ўхшамасди. Ичида эса... Маматни, унга қўшилиб, номаъқулнинг нонини еган... ўзини бўралатиб сўкарди...

ЙИГИТ ҲАМ ЙИҒЛАЙДИМИ?

Мурод беш яшар...

Онаси бешиқдагиси билан овора бўлиб қолдию, синглиси иккиси отасига эргашиб, кўчага чиқишди. Кузнинг ёмғирли, зимистон кечаси эди. Отаси ишга жўнаб кетгандан сўнг қоронғида қолишдан чўчиган Мурод:

- Ота, биз уйга кираверайликми? – деб сўради.

- Кираверинглар, - деди отаси, энкайганча велосипедининг қаеринидир созлашга уннаркан.

Ака-сингил чопқиллашиб уйга киришди.

- Отанг кетдими? – сўради онаси, бешиқни тебратаркан.

- Ҳа.

- Яхши бориб келинг, дедингми?

- Йўқ.

- Ий-е! Боласи тушмагур! Яхши бориб келинг, демадингми? – Онасининг кўзларида безовталиқ акс этди.

Ака-сингил бир-бирларига қараб, бош эгишди.

- Ўтинглар, ётинглар қаққайиб турмай! Яхши бориб келинг, дейди-да одам. – Онаси чақалоқнинг йиғисига ҳам қарамай, шошганча ташқарига чиқди. Бир оздан сўнг бўшашиб қайтиб кирди. – Жўнаб кетибди отанг, - деганча, зарда билан бешиқни тебратди. – Йиғлайвериб, бало бўлдинг!

Ака-сингил индамай кўрпага кириб кетишди...

Мурод ухлаб қолипти. Турткидан аранг кўзини очди.

- Тур, Муроджон, тур, турунлар, ҳовлига чиқинглар... - дерди онаси йиғили овозда, сўнг уни қучоқлар ва яна йиғлар, титроқ қўллари билан қизининг бошини силар, яна: - Турунлар, чиқинглар, йиғланглар... - дер эди.

Мурод уйқусираб, ҳеч нимага тушунмади. Онаси унга тўн кийдирди, белига белбоғ боғлади. Синглиси икковини етаклаб, айвонга олиб чиқди:

- Отагинангдан айрилиб қопмиз-эй! Отагинангни ўлдириб кетишипти-ей! Нима қиламиз энди, Муроджон??!! Йиғланглар-эй! – онасининг кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

Синглиси ёмон бир нарсани сезибми, кўрқибми, ёки онасининг сиқташидан таъсирланибми, баралла йиғлаб юборди. Лекин Мурод миқ этмас, ҳеч вақони англамас, тумшайиб турар эди. Кейинчалик кампирлардан бири:

- Сен бош ўғилсан! Энди укаларингга ота ўрнида отасан, болам! Уларга қара, онангга қанот бўл! – дея дув-дув йиғлаганда ҳам гарангсиши қолмади.

Тонг отди. Одамлар йиғила бошлади. Келган ким, кетган ким. Ҳовли гавжум бўлиб қолди. Мурод кузатиш эрмаги топилганидан хурсанд. Бировлар унинг бошини силайди, катта йигит бўлиб қолибсан-ку, дейди. Бундан кўнгли ўсади. Ҳовлида хотинлар давра олган, ўртадагиси аллага ўхшаш бир нима айтар, теварагидагилар унга жўр бўлишарди. Жуда ғалати эди-да бу ўйин. Тезроқ отаси кела қолсаю, Мурод унга ҳаммасини бирма-бир айтса. Бояги кампирнинг гапига қараганда, отасини духтурхонага олиб кетишганмиш.

Мурод Тоҳир амакисини қуршаган даврага яқинлашди.

- Бошига темир билан қаттиқ урган экан-да, занғар! – деди бурама мўйловли киши бош чайқаб, - бўлмаса, акангиз унча-мунчага бас келадиган одам эмасди. Мелисага хабар бериб улгурганини айтинг... Учта эканми улар?.. Қоровулга хужум қилиш... группавой... постда турган одамга... Ўзлариниям оналарини Учқўрғондан кўрсатса кераг-ов?..

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Кимга қарама, афсуслангандек бош чайқайди, холос. Тоҳир амакиси уни кўтариб олди-да, даврадан чиқди. Амакиси ҳар гал ширин конфетлар олиб келарди, шунинг учун Мурод уни яхши кўрарди.

- Бизникида тўй бўляпти-я?!

Амакиси жавоб бермади.

- Ака, отам нега духтурхонага кетди?

- А? Отангми? Ёмғирда ишга жўнатибсизлар-ку! Оқшом совқотиб қолган-да!

- Тўйга келадими?

- Қайси тўйга?

- Мана, тўй бўляпти-ку! Онам қўшиқ айтяпти. Юринг, томоша қиламиз.

- Кейин... кейин...

- Ака, бугун менга кампут опкелмадингизми?

- Конфетми?.. Сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг, Мурод. Қачон мактабга борасан?

- Отам, келаси йил, деган.

- Нечага кирдинг?

- Олтмиш бирга, - деди Мурод сал уялинқираб.

- Ий-я, қариб қолипсан-ку, ука...

- Ака, сизни биров урдими?

- Йўқ.

- Унда нега йиғлаяпсиз?

- Оббо сен-эй! Урган одамни айтсам, уриб берасанми?

- Кучим етмайди-да. Кеча Алибек мениям урди. Йиғловдим, қочиб кетди. Ҳали кўрасан, Тоҳир акамга айтиб бераман, сениям боплайди, дедим.

- Кўзига кўрсатиб қўймадингми ўзинг?

- У мендан катта-да! Ака, сиз Алибекдан зўрсиз-а!? Уни уроласизми?

- Ҳа, адабини бериб қўямиз, шошамай турсин бу Алибек.

- Алибек эса, Тоҳир акангдан қўрқмайман, деди. Кейин отамга айтгандим, бор, ушлаб кел, қулоғидан чўзиб қўяман, деди. Мен чиққанча Алибек қочиб кетибди. Ҳали отам духтурхонадан келсин, Алибекни ушлаб бераман.

Шу орада Тоҳир акасини кимдир чақириб қолди. У Муродни ерга қўйиб, ўша ёққа кетди...

Мурод уйга кирди, ётди. Ухлаб қолган экан, кимдир юзларини силаб-сийпаб уйғотди. Қараса, ҳалиги кампир:

- Отангни духтурхонадан олиб келишди, тур болам, хўшлашиб қол, - деяпти.

Отаси тўрдаги уйда ухлаб ётган экан. Совқотиб қолмасин деб, бошини оқ латта билан боғлабқўйишипти: «Отам уйғонгунча Алибекни ушлаб келаман».

- Отам қачон уйғонади, момо?

Аёллар уввос солиб йиғлашди.

- Йиғла, болам, йиғла! Нимага йиғламайсан ахир?! Бу –охирги кўришинг! Энди қайтиб отангни ҳеч қачон кўрмайсан! Эё-й-й, шўри қуриган неварам-а!

«Момонни ҳам биров урганга ўхшайди».

Мурод энди йиғламайди. Алибекдан калтак еса ҳам йиғламайди. Ўшанда кўз ёшини оқизиб келганда отаси хафа бўлган, йигит ҳам йиғлайдими, деган. У йиғламайди.

Одамлар бир нимани кўрпага ўраб, айвонга олиб чиқишди. Хотинлар чувиллашиб қолишди. Эркаклар ҳалиги нарсани нарвонга қўйиб, кўтариб кўчага чиқишаётганда Мурод ҳам питиллаб ортларидан эргашди.

- Кел, отажон! – Ҳотам бобо уни опичлаб олди.

Бобо бир кўча нарида туради. Соқоли оппоқ. Муродларникига тез-тез келиб туради. Онасининг айтишича, у ёмон одам. Беш-олти марта уйлангану, хотин чидамаган: ё қочиб, ё ўлиб қутулган. Онаси:

- Камроқ келсин шу одам бизникига, - деган эди бир гал отасига. – Сиздан бошқа унга хотин топадиган йўқми?

- Кимни шунга жони ачирди? – деган эди отаси.

- Сиз-чи? Сизга нима? Хотин керак бўлса, ўзи топиб олсин! Невараси уйланадиган бўлиб турибди-ю!

- Ҳай, буям савоб иш-да! Мингта келин бир хотиннинг ўрнини босолмайди.

- Хотин керак бўлса, ўғиллари топиб берсин.

- Мен топсам нима қилипти? Бир қариянинг дуосини олсак олипмиз-да, хотин.

- Ҳе-е, қари бўлмай ҳар бало бўлсин. Кўзларини ёмон кўраман, олма-кесак териб туради. Кўнглида ғарази кўп у одамнинг...

Қўй, қирқ йиллик гапни қўзғама. У вақтлари сенам, менам бўлмаганмиз-ку. Нима бўлса бўлиб, унут бўлиб кетган. Яхшими, ёмонми, қариндошчилиги бор. Эрта бир кун оёқдан қолса, келинлари ҳам, қизлари ҳам кунига ярамайди. Бир хотинга зор бўлади, шунда...

- Доим шунақа деб енгасиз...

Онасининг айтишича, Ҳотам бобонинг кейинги уч хотинини отаси топган. Бари бари бобога хотин чидамаган, охиргисиям ўлиб қутулганми-ей, яна сўққабош эмиш...

Муроднинг отасига, у-бу, юмушимга қарашинг, деб қўшнилар келаверарди. Баъзи Муродга олма,

бошқаси конфет тутқазардию Ҳотам бобо эса бирон нарса олиб келган эмас. Шунинг учун у Муродга ҳам ёқмас эди. Лекин ҳозир одамлардан орқада қолиб кетаётганида Ҳотам бобо опичлаб олганига жуда хурсанд бўлди.

- Мени яхши кўрасанми, отажон?

- Сира кампут опкемайсизку!

- Ҳа-а... шунақа де. Оббо отажон-эй! Ҳали кўп кампут опкеламан, кейин мени яхши кўрасанми?

- Кампут опкеласизми? – сўради Мурод ишонқирамай.

- Ҳа, бир сандиқ опкеламан.

- Олма-чи?

- Олмаям. Ўшанда ота дейсанми мени?

- Йўқ... Ўзимнинг отам бор.

- Отанг йўқ энди. Ўлди! Уни кўмамиз, шу билан омин оллоҳу-акбар. Катта отангни қара, соқоли шалвираб, йиғлаб боряпти. Мени қулоқсан, деб сургун қилсаям ҳалигача омонман. Ўғли кўзини олдида асфаласофилинга жўнаворди. Энди сенга қийин, бир ўзинг ётишга кўрқасан. Шунинг учун сенга ота керак. Мени ота қиласанми?

- Ўзимнинг отам уйда, ухляпти! – деди Мурод, Ҳотам бобонинг гапларига парво қилмай. Чунки бу бобо илгарилари ҳам шунақа ёмон гапларни айтиб, уни кўрқитмоқчи бўлар, аммо у кўрқмас эди.

- Кўрмайсанми, ана, одамлар отангнинг ўлигини кўтариб кетишяпти. Оббориб кўмишади, шу билан тамом-вассалом. Онанг – эрсиз, сен – отасиз қолдинглар, - деди Ҳотам бобо ҳузур қилиб. – Ҳали катта отанг ҳам келиб оёғимга бош уриб, тавба қилади... Сен бошқа бировларникига бориб юрасанми, мени ота қилиб олавер-да. Кейин сенга ҳар куни кампут олиб келаман.

Мурод одамлар кўтариб бораётган нарвондаги – отаси эканига ишонмаса ҳам Ҳотам бобони яна ёмон кўриб қолди. Ҳатто кампут бераман, деганда ҳам индамади. Олдинроқда кетаётган Тоҳир амакисини кўриб, питирлаб, Ҳотам бобосининг қўлидан пастга тушди ва ўша ёққа югурди.

- Ака-а!..

- Ий-е, Мурод, сен ҳам келяпсанми? – Амакиси уни опичлаб олди.

Мурод амакисининг елкаси оша Ҳотам бобога ғолибона қараб қўйди-да, сўради:

- Ака, Ҳотам бобо ёмон одам, а?

- Нимага ундай дейсан?

- Онам доим шунақа дейди. Менгаям, отанг ўлди, энди мени ота қилиб ол, деяпти. Отам ўлгани йўғ-а, ака?! Ҳотам бобо алдаяпти-я?!

Ҳотам бобо чўтнинг соққасидай кўзларини йилтиллаптиб, уларга тенглашди. Тоҳир акаси ёмон ўқрайди, лекин бобо парво қилмай, деди:

- Ўлим ҳам, отажон, ўлимга чора йўқ. У десанг ҳам, бу десанг ҳам янганг бева қолди...

Тоҳир акаси Муродни чап қўлига олди-да, чолнинг юз-кўзи аралаш башарасига солиб юборди. Ҳотам бобо нимагадир тойиб йиқилди. Мурод қувониб кетди: «Тоҳир акаси зўр! Ҳали Алибекни ҳам уриб беради!» Ёнма-ён кетаётганлардан бири Тоҳирнинг биллагидан тортиб кетдию Бошқаси Ҳотам бобони турғизди. Бобо уст-бошини нари-бери қоқди.

- Майли, отажон, майли. Отангнинг кўз ёшини кўрдим, энди ўлсам ҳам армоним йўқ.. Шу кунларга етказганига шукр!

Қалтак еган бўлса-да, Ҳотам бобонинг кўзларида ёш кўринмасди. Тоҳир амакиси Эса йиғларди.

- Ҳе... ўша... сендақа ифлосни! Ҳали акамнинг болаларига сен ота бўлмоқчимисан? – Тоҳир акаси Муродни ерга қўйиб, уриниб-суришиб, Ҳотам бобо тарафга интилди. – Ҳали бургутнинг ўлими – қузғуннинг байрами бўлиб қолдимиз? Ҳе ўша...

Одамлар уни маҳкам ўраб, ушлаб қолишди.

- Кет бу ердан! Эмаса соқолингдан судраб, акамнинг лаҳадига тикаман!

- Майли, отажон, майли, урсанг ҳам майли... Менга...

Уйга қайтиб келишганларида билдики, отасини яна духтурхонага олиб кетишипти. Оқшом ёмғирда қаттиқ совқотган экан. Шундан кейин ким отанг қаерда деб сўраса, духтурхонада дейдиган бўлди. Момоси ҳам, Тоҳир акаси ҳам шунақа дейишган-да.

Кунлар ўтаверди. Ҳадеганда отаси духтурхонадан келавермади. У отасини соғинди. Отам духтурхонадан қачон чиқади, деб инжиқлик қиладиган бўлди. Онаси тун бўйи ухламай, йиғлаб алла айтарди:

Алла болам, алла,
Ширин болам, алла.
Отасидан айрилган
Етим болам, алла.

Бир куни Мурод кўчада яна Алибек билан уришиб қолди. Бу сафар Мурод бўш келмади. Алибекни уролмаган бўлса-да, калтак ҳам емади.

- Мурод сағир, Мурод сағир! – деди Алибек уролмагандан сўнг.

- Ўзинг сағир! – деди Мурод бўш келмаганидан кучланиб.

- Менинг отам бор, отаси бор сағир бўлмайди. Сен сағирсан, сенинг отанг ўлган!

- Бекор айтибсан. Отам духтурхонада, ҳали келади, - деди Мурод. Дедию, бари бир кўнгли бўшашди.

Отаси духтурхонада жуда узоқ қолиб кетди-да. Тезроқ келса бўлмайдими? Алибекни ушлаб берарди. Кейин отаси уни роса саваларди. Отаси Алибекни уришини тасаввур қилди. Алибек додлайди: «Қўйиб юборинг-эй! Муродга иккинчи тегмайман!», деб ялинади.

Мурод жилмайди.

- Сени Тоҳир аканг шундай деб алдаган, - деди Алибек, - отам айтди-ку. Мурод сағир қолди деб. Етимча етти кулча. Энди-чи, онанг Ҳотам бобога тегади. Ҳотам бобони ота қиласан. У сени роса калтаклайди. Билдингми? Ийх! – Алибек маза қилиб кулди.

Бунақа гапларни Муродга биргина Алибек айтмаётганди. Ҳотам бобонинг номини эшитгач, Муроднинг хўрлиги келди. Аламининг зўридан узашиб, ерда ётган катта тошни инқиллаб кўтарди-да, Алибекка ташланди. Алибек эса: «Мурод сағир, Мурод сағир! Етимча – етти кулча!», деганча қочди-кетди. Унга етолмагач, Мурод аламидан йиғлаб, уйга югурди. Келса, айвондаги сўрида Ҳотам бобо ўтирган экан.

- Кел, отажон! – деди у кўзлари чақнаб, сўнг ошхонадан чиқиб келаётган Муроднинг онасига ўгирилди. – Ҳеч бўлмаса мана шу норасидаларингни ўйласанг-чи! Буларни катта қиламан, деганча сил бўлиб кетасан. Ёш жонингга жабр қилма. Мендан ёши бари бир чиқмайди. Икки дунёда ҳам мендан тузугини тополмайсан.

- Ким чақирди сизни? Кетинг! Кетинг бу ердан! Гапни кўпайтирманг! Эрсираб қолганим йўқ. - Онаси зарда билан ичкарига кириб, эшикни ёпди.

- Онажоним-эй! Бу шаштингдан тушарсан... эр ҳам керак бўлиб қолар... - Ҳотам бобо ўзича ғудраниб, гапи ўзига нашъа қилиб, кулимсираб ўтираверди.

- Тушаманми, тушмайманми, сизнинг ишингиз бўлмасин, - деди онаси ичкаридан қайтиб чиқаркан. – Нимага бутун қишлоққа сассиқ гап тарқатиб юрибсиз? Ким сизга тегаман, деди? Уялинг! Уят сизга! Туринг, кетинг бу ердан!

- Қўй, онажон, қўй, ҳайдама! Ундан кўра уйингга киргиз, овқатинг пишаётганга ўхшайди, сузиб кел, ейлик. Бундан кейинги ишларни бафуржа келишиб олайлик. Сен – есир, мен – есир...

- Мурод, тез бориб Тоҳир акангни чақириб кел, - деди онаси, ошхонадан косов кўтариб чиқаркан. – Бу мияси айниган кучук яхшиликча кетмайдиганга ўхшайди.

Амакисининг ҳовлиси узоқ эмас. Мурод чопқиллаб кетди. Амакиси жуда яхши-да. Бир мошин кўмирни ўзи ҳовлига ташиб берди. Каттакон халтада оқ кампут, ун олиб келдию Онаси, яхшиям Тоҳир аканг бор экан, бўлмаса, ҳаммамиз очдан ўларканмиз, дейди. Отаси дутурхонада ётиб олгандан бери Ҳотам бобо жуда серқатнов бўлиб қолди. Отаси уйда бўлганида-ку, бу чол онасига қайрилиб ҳам қаролмасди.

Жилпанглаб, ишини битирарди-да, жўнаб қоларди. Энди жуда бемалолхўжа, хоҳлаган пайтида кириб келаверади. Эҳ, Муроднинг кучи етгандами, Ҳотам бобони йиғлаганча урарди. Ҳали кичкина-да...

У амакисини бошлаб келганда онаси сўрида чақалоғини бағрига босганча, эмизиб ўтирган экан.

- Яна келдими у? – деди Тоҳир акаси тутақиб.

- Ҳа,.. косов билан зўрха ҳайдадим.

- Бир гап бордирки, у ҳадеб келаверади!

- Шу гапни айтмаган битта сиз қолувдингиз. Ўзингиз билмайсизми нима гап борлигини? Акангизнинг арвоҳи чирқиллаб турганда менга шу гапни айтасизми? Тегмайман эрга! Ҳеч кимга тегмайман! – Онаси қон бўлиб йиғлади. Унга қўшилиб чақалоғи, кейин Мурод ҳам йиғлаб юборди. Онаси сиқтаб давом этди.

– Ҳотам чолнинг онангизга уйланмоқчи бўлганини, аммо онангиз унга тегмаганини, бутун умр Ҳотам чол шу армон билан яшаётганини биларсиз? Ўзи ҳаммага айтиб юради-ку. Отангиз актив бўлиб, кейин Ҳотам чолни қулоқ қилганини ҳам билмайсиз-да, сиз а? Алами кўп у одамнинг сизлардан. Энди жабрини мен тортаяпман. Бекорга Тоҳирнинг янгаси менга тегишга розилик берди, деб Барлосга гап тарқатиб юриптими? Отангиз ҳассасини пешанасига диқиллатиб уриб йиғлаётганда ишшайиб: «қайтар дунё бу

оқсоқол», деганидан хабарингиз бордир. Шунча гапни била туриб, менга яна нима дейсиз?

Тоҳир акаси ўтирган жойидан сапчиб турдию: «Ҳе... ўша...» дея сўкинганча, отилиб кўчага чиқди. «Ўҳҳ! Боплайди энди!»

Ҳотам бобо ўшанда Тоҳир акасининг дарагини эшитиб, энди мени ўлдиради, деб қочиб, икки кун сомонхонасида яшириниб ётган экан.

Бир куни Муродларникига яна одамлар йиғилишди. Унинг назарида яна тўй бошланди. Ўйнаб юриб, ошхонага кирдию, қотиб қолди. Отаси орқасини бериб ўтирганча, қозондаги шўрвани шопирар эди. Мурод қувониб кетди: «Отаси духтурхонадан қайтиб келипти-да! Қандай яхши!» Соғингани шунчаликки, отасининг бағрига отилиш ўрнига нафаси ичига тушиб, жимгина ташқарига чиқди. Коса кўтариб келаётган онасининг этагидан ушлаб тортди-да, отасини кўрсатганча шивирлади:

- Отам!

- Нима, гўшт ейсанми? – Онаси эгилиб сўради.

Мурод йўқ маъносида бош силкиб, «отам», деб шивирлади яна. Кейин онасининг орқасига яшириниб, отасини кузатди.

- Бовоси, менинг ўғлимга озроқ гўшт беринг, - деди онаси.

- Ҳа?!

Муроднинг кўзлари қинидан чиқиб кетай деди. Қозон бошидаги одам ўгирилиб унга қаради: у бошқа одам эди!!! Отаси эмасди!!! Ўтириши, мўйлови, ҳатто юзи ҳам ўхшаркану...

- Қоч, қоч! Баринг болангни етаклаб келаверасан. Гўштни сенларнинг болаларингга берсам, меҳмонларга нима қўяман?

Мурод йиғлаб юборди. Йўқ, гўшт беришмагани учунмас, алдангани, отаси келмаётгани учун йиғларди. Отаси бўлса ҳеч ким уни ҳам, онасини ҳам силтаб ташлай олмас эди.

- Ҳа, жўра! – Ортдан келиб қолган Тоҳир акаси уни даст кўтариб олди-да, бағрига босди. Овутди.

Қозон бошида ўтирган бобони уришиб, унга гўшт олиб берди. Бироқ Муроднинг кўнгли гўшт тиламасди. У хун бўлиб, баттар йиғлади.

- Отасини соғинипти-да, Мурод! Қўй, йиғлама, жўра! Айтган вақти бир туюр гўшт берсангиз ўлиб қолармидингиз? Биласиз-ку, кўнгли яримта... Бўлди қил, ахир сен катта йигит бўлиб қолдинг-ку! Йигит ҳам йиғлайдимми? Духтурлар отангга рухсат беришмаяпти экан. Ҳали бориб, духтурларни уриб, отангни тортиб олиб келамиз, хўпми? Қани, жўра, ахир кап-катта йигит...

Йиғламай деса, отасини соғинган. Отаси эса сира келмаяпти. Ҳотам бобо эса онасини қўрқитгани қўрқитган. Алибек гарчи энди уролмаса-да, етимча – етти кулча, деб қочади. Мурод қаттиқ ўксинган, кўз ёшлари маржон бўлиб оқар эди.

- Ҳўй йиғлоқи, отанг кўрса нима дейди? – деди ўчоқ бошида ўтирган бобо.

Мурод гўё эшиқдан отаси кириб келаётгандай сергак тортди. Жимит қўлчалари билан кўз ёшларини артди.

- Отам келса, Алибекни тутиб берамиз-а? – деди Тоҳир акасига.

- Ҳмм!

- Ҳотам бобониям, а?

Тоҳир акаси юзини терс ўгирганча, қулт этиб ютинди...

ИСМАТНИНГ ҚИСМАТИ

Трестдан хафа бўлиб чиқди у: «...шунақа, Исматвой, - дейишди, - интизом қаттиқ бизда, - эрталаб соат саккиздан кеч соат...» Тағин маоши саксон сўм эмиш. Бор-йўғи саксон сўм, а? Институтни битирган бўлса-ку, кейинроқ каттароқ бир ишга кўтарилиш мумкин эди. Ўрта махсус маълумоти билан... умри югурдакликда ўтиб кетади энди. Ҳали ҳам кеч эмас. Политехника институтига киради. Э-э, онаси омон бўлсин. Ҳам уни уйлантирмоқчи, ҳам уй олиб бермоқчи. Бугун хўроз қичқирмай туриб, Барлосга кетган. Ўша қишлоқда Исматнинг холаси туради. Холасининг ойдаи қизи бор. «Шуни олиб берамиз, шу қишлоқда яшайсан. Районга қатнаб ишлайверасан», деган онаси. «Ичкуёв бўлиб, а?» - «Нега энди? Раҳима хола деган уйини сотаётган экан...» . «Шуни олиб берасизми?» - «Ҳа». Ана шунақа. Дипломинг бўлса, ишинг, уй-жойинг, тағин ойдаи хотининг ҳам бўлса, яна нима керак ўзи? Яп-янги костюм кийиб, галстук тақи-иб юради. Боради, саккиз соат ишлайдими, йўқми, қайтиб келаверади.

Асли... трестдагилар кўпдан муштоқ бўлиб кутаётгандек, назарида қучоқ очиб қарши оладигандек туюлганди. «Келинг, келинг, Исматжон!», дея қўшқўллаб кўришиб, тўрдаги креслога ўтиринг, дейишса. «Бизга сиздай мутахассис йигит жуда керак-да», деб роса қувонишса. Бирдан бошлиққа муовин қилиб қўйишмас-ку-я, ҳар қалай у мартабага чиқиш учун бир йил-ярим йил ишлаш керак, лекин... «Сиз учун атай катта бир бўлимимизнинг мудирлигини сақлаб тургандик, энди шу бўлимни ўзингиз кўтариб берасиз. Қўл остингизда беш-олтита ходим...», дейишса. Исмат камтарлик қилса, одоб юзасидан: «Йўқ, йўқ, сизлар нима деяпсизлар ўзи? Бизда тажриба бўлмаса. Куни кеча диплом олган бўлсак, ахир бу лавозим... оғирлик қилар», деса. «Эплаёлмайман», демаса. Айнан «оғирлир қила-ар», деса. Улар: «Биз сизга ишонамиз. Сиз ёш, серғайрат, назарий жиҳатдан, хў-ўш яхши қуролланган йигитсиз. Ахир ишнинг оғирини си қилмай, биз қилайликми?», дейишса. Шунда Исмат танг аҳволда қолгандай, ўзига ишонч билдирган бошлиқнинг гапини икки қилганидан гўё мулзам бўлаётгандай, ерга қараса. Ўзини, энди нима қилсам экан, дея ўйлаётгандай кўрсатса. Бошлиқ: «Ташвишланманг, ука! Биз ҳам четда қара-аб турмаймиз. Кўмаклашамиз, ишни эплаб кетасиз!», деб яна қийин-қистовга олса. Ахири Исмат бошини кўтарса-да, ноилож рои бўлгандай, уфф тортса. «Сиздай раҳбар шундай деб тургандан кейин...», деса. Бошлиқ: «Баракалла! Ўғил болача гап бўлди бу! Қани юринг энди, ходимларингиз билан таништирай», деса. Кейин бошлиқ олдинда, Исматбой кейинда, секи-ин бўлимга кириб боришса. Ходимларнинг ҳар бири ўрнидан туриб, икки қўлини кўксига қўйиб, у билан сўрашса. Бошлиқ: «Танишинглар – ёш, серғайрат бу йигит бугундан бошлаб сизларнинг мудирингиз – Исмат Саъдуллаевич!», деса. Қарсақлар янграса, Исмат нимтабассум билан ҳар бир ходимга раҳмат, раҳма-ат, дегандай, енгилгина бош силкиб қўйса. Ёки қовоғини солиб тургани маъқулми? Йўғ-э, бирдан, қолаверса, бошлиқнинг олдида қовоқ солиш одобдан эмас... Хуллас, ярим йил ўтар-ўтмас болиқ бошқармага кўтарилиб кетсаю, областдагилар: «Исмат Саъдуллаевич! Гап бундай: биз сизга ишонамиз... «йўқ» деманг. Бу трестни сиздан бошқа ҳеч ким эплаб ололмайдими!», дейишса...

Исма, чўнтагида йўлланма, хаёлида – ана шунақа ўйлар, ўпкасини қўлтиқлаб азонда трестга келган эди. Бошлиқ олдинига уни ҳатто қабул қилмади. Бир амаллаб чошгоҳда унинг ҳузурига кирди, кирса... чарча-а-аб ўтирган экан шекилли, йўлланмаю-ҳужжатларга энсаси қотгандай бир қараб қўйди-да, «ишлайман десанг фалон штат бўш... ойлиги саксон сўм», деди. «Бир йил-ярим йил ишлаб турасиз, кейин яна ўйлашиб кўрамиз. Шунақа, Исматвой интизом қаттиқ бизда – эрталаб соат саккиздан кечки...»

Исма қаттиқ ранжиди. Маоши саксон сўм бўлар эмиш. Еган-ичганига етмайди-ку. Агар бошини иккита қилишса, анавиниям боқиши керакми? Шаҳар жойда қадамингда пул кетади. Ёр-дўст бор, улфатчиик қилишга тўғри келари бор. Э-э, бўлим мудирлиги... зўр бўларди-да. Шунда яп-янги костюм кийиб, қишлоққа кириб бормоқчи эди. Бошида профессорлар киядиган шляпа. Кўпдан буён шуни орзу қилади у: мудир бўли-иб, шляпа кийиб юрса!

Унга алам қилади: ҳамма бало шундаки, на отаси, на онаси... жиллақурса, бригадир ҳам эмас. Кўряпти-да, ҳатто кассир-пассирларнинг болалари ҳам ҳеч қийналмай ўқишга кирапти, институтни битирмай, иш жойи тайин. Улар ҳеч нимага қайғуришмайди. Исма қаттиқ ҳам иши юришиб кетар эди-я, шу... бир профессорнинг қизини қўлга киритишга оз қолди, лекин... бўлмади. Воҳиднинг, ҳа ўша, Барлослик Воҳиднинг – у ҳозир университетда ўқияпти, - туғилган кунини нишонлашаётган эди. Исма ўтириш чоғи ўша қиз билан танишиб қолди. Суқсурдайгина экан. Онаси болалигидан, холангни қизини олиб берман, деб юрарди. Холасининг қизи ҳам ойдаи , сулуvgина. Лекин чиройига нон ботириб ейдими? Манави ҳурилиқонинг отаси профессор. Аввал-бошда улар ширингина сўхбатлашиб ўтиришди,

ҳатто қиз бир-икки марта жилмайиб ҳам қўйди. Кейин Исмат ишни пухта қилай, деб жониқиб: «Эртага кинога борайлик!» дедию, балога қолди. Қиз ғалати қараш қилди. Кейин иддао билан ўрнидан турди-да, кетди-борди. Исмат изза бўлиб қолаверди. Шунда ҳам кўнгил узмади – унинг йўлини кўп пойлади. Қиз эса... Исматни кўрса, лабини жийирадиган, йўлнинг нариги четидан бетини тескари буриб ўтадиган бўлди. Ҳа, қаловини топа олмади Исмат! Ўшанга уйланганда-ку, институтга ҳам кирарди, бўлим мудирлиги ҳам тайин эди. Бир кун келиб, зўр олим ёки ёзувчи бўлиб кетса! Кимсан Исмат Саъдуллаевич! Тагида нимқора «Волга». Ўзиям чакана қиз эмас эди! Трест бошлиғи қабулхонасида ўтирган котиба-потибалар унинг тирноғига арзимади. Холасининг қизиям шуларнинг бири-да. На маданиятни, на бунда-ай бришни билади булар. Уйланганингга яраша кимсан фалончи профессорнинг қизини олсанг экан. Студентлар ибораси билан айтганда, ўшанда унинг «танкаси» ҳам зўр бўларди. Йўлидаги ҳар қандай тўсиқни босиб-янчиб ўтаверарди. У – Исмат Саъдуллаевич бўлса, «танка»нинг орқасидан кўкрагини кери-иб бораверарди. Энди «танканг» зўр бўлгандан кейин анави – мудирлик-пудирликлар ҳеч гап эмас-да.

Балки ўша қиз: «Бу бир техникум студенти-да», деб писанд қилмагандир-а? Ҳалиям кеч эмас. Бир йўлини қилиб, институтга кириши керак. Яшаганингдан кейин шаҳарда – кўп қаватли уйда яша-да. Тагингда машинанг бўлсин, ёнингда хотининг...

Исмат ҳали-бери қишлоққа қайтгиси йўқ эди. Борганда уйга сиғмайди, юраги тарс ёрилиб кетяпти. Тентираб юриб, бозорга кирди. Ундан атторчилик дўконига ўтди. Қараса, учта қиз бир нима харид қилишаётган экан. Ий-е! Уларнинг бири – холасининг қизи-ку! Ҳа, ўша, ойдан қиз, худди шуни Исматга олиб беришмоқчи! Атлас кўйлак кийиб, сочларини майда ўриб олганини қаранг! Тузук, тузук, уйланса бўлади. Кўриниши ёмон эмас-а! Қадди қомати ҳам... ҳар қалай... бўлади... Ўзи, бир қаричлигида хушрўйгина эди. Пича олифталигиям бор шекиллию Чиройли қизлар сал тантиқроқ бўлади. Ҳечқиси йўқ, кейинчалик гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилиб олинади. Лекин бари бир профессорнинг қизи зўр эди-да. Нима бу?! Энди ўшандан кечиб, мана бунга уйланиши керак. Ота-онаси шундай деб тургандан кейин... Яқинда ўнинчи синфни битиряпти. Буям ўқишга кирмоқчи эмиш, ҳамшираликка. Майли-да, олдин тўй ўтсин, кейин уй-рўзғор ишлари академиясига жойлаштириб қўяди Исматвой. Ҳамширалик ҳам гап бўлиптими?

- Салом берди-ик, - деди у ишшайиб, қизнинг ёнига боргач. – Хў-ўш, нима харид қиляпсизлар? Қиз унга совуқ қиё боққан кўйи билинар-билимас бош қимирлатиб, саломлашган бўлди. Кейин алламбалони олиб, кўздан кечира бошлади. Унинг бу қилиғи – эътиборсизлиги Исматнинг ҳамиятига тегди. Майли, ҳар қалай у кўпни кўрган йигит. «Мунақа таннозларнинг нечасини қўлдан ўтқиздик. Керак бўлса буниям...» Исмат шундай деб ўзини овутди, овутмади, ўзини кўкларга кўтарди. Гарчи ҳалигача бирон қизнинг қўлидан тутмаган бўлса-да, бу борада ўзини катта малака эгаси, деб ҳисобларди. Ҳа, ҳали шунақа қиладики, бу танноз ҳузурига етти букилиб кирадиган бўлади. Бу танқайган бурун ерга тегади ҳали. Аммо ҳозир... дипломат бўлиш керак. Майли-да, ундан нима кетди, бир-икки кун тўйгача – ноз-истиғно қилса қилар. Ундан кейин... ўзи чиндан ҳам ойдайгина, а?! Қўлдан чиқариб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу ёғига юганни маҳкам ушлаш керак.

- Атир олиб берайинми? А? – деди у, хаёлига келган фикрни баён этиб. Ростини, топағонлигидан қувониб кетди. Атай қизнинг елкасига кифтини теккизиб, чўнтагидан пул чиқарди-да, сотувчига ўгирилди:

- Та-ак, духингизнинг энг зўридан олинг-чи!

Баногоҳ қиз ўзини четга олди, «нега мунча тирғаласан? Нима, мен сенинг хотинингманми?» дегандай ўқрайди. Исмат пулни сотувчига узатган кўйи қотиб қолди. Нима қилса экан? Духини олсинми ёки... Нега манови қўполлик қиляпти? Холамнинг қизи шунақадир, деб сира хаёлига келтирмаган эди. Назарида уни кўрган заҳоти қиз дув қизариб, яширинишга жой тополмай, югурганча қочиб кетиши зарур эди. Бу эса... пичоқсиз сўйди Исматни! Сўйди-е! Онаси Исмат эсини таниганидан бери: «холангнинг қизи ойдайгина. Бегоналашиб кетмайлик, сен шуни ол», деб ялинади. Исмат ҳам, қариндошлар узилишиб кетмайлик, деб... ҳатто профессорнинг қизигаям кўп тирғалмади. Бу эса... Йў-ўқ, эсини киритиб қўйиши лозимга ўхшайди.

Бир пайтлар Самарқанддаги ёшлар хиёбонидаги бир воқеага гувоҳ бўлга эди: Бир қиз билан йигит чиқишолмай турган экан. Қиз нимадир деб жеркинди. Шунда йигит ўхшати-иб шапалоқ тортди. Бечора қиз юзини беркитдию... Йигит эса ҳеч вақо бўлмагандай унинг қўлтиғидан олдию, қани юр, деди. Қиз юрди. «Кўз ёшингни арт. Кўчада менга ҳунар кўрсатма. Сен ўйлаган йигитлардан эмасман, тушундингми?», деди йигит қизга. Исмат аниқ эшитди. Шундай. У ҳам шундай қилсамикан? Керак бўлса, Исмат ҳам холасининг қизи ўйлаган йигитлардан эмас...

Исмат шартта унинг билагидан тутди. Шу пайт нақ қулоғининг остида бир нима шарақ этди. «Ҳе ўл-э, йигит бўлмай!» - Кимдир қарғанди. Бундай қараса, холасининг қизи дўкондан отилиб чиқиб кетяпти. Дугоналари ортидан эргашди. Сотувчиям. Исмат ҳам анграйганча қолаверишди. Яхшиямки, дўконда бўлак ҳеч ким йўқ эди. Бўлганида Исмат иснодга чидолмай, Барлосдан бош олиб чиқиб кетишига тўғри келармиди ҳар қалай... Бу қандай кўргуликки, онасининг неча йиллик ўтинчидан сўнг манавинга уйланишга Исмат розилик берсаю, она сути оғзидан кетмаган бу таннозча ўйин кўрсатса. Ҳаммасига чидаш мумкин дир, лекин дабдурустан қўл кўтарганига нима дейсиз? Шу қилганига сочидан торти-иб, бир... хумордан чиқиш керак эдию, аммо... ҳали адабини бериб қўяди, шошмай турсин! – Исмат негадир бўшашганча туриб қолди. Негадир жаҳли ҳам чиқмасди. Ниҳоят у шалвираган кўйи дўкондан чиқди. Холасининг қизи бир дарахтга суюнганча ҳиқиллар, дугоналари эса уни юпатиш билан банд эди. Улар бориб то автобусга чиқишганча Исмат дўкон олдида каловланиб турди. Э-э, нимасини айтасиз, ўзи бугун ҳеч иши юришмади, юришмади-да. Бир бало бўлди ўзи. Чап томони билан турганмиди? Трест бошлиғи-ку, майли, Исматга қайишмайди, бегона. Лекин манав танноз, эрта-индин хотини бўладиган ойимча унинг раъйига қараса ўлармиди? – Исматнинг дилидаги норозилик кучая бориб, ғазабга айланди. Шундай йигит муштдай қизчадан, тағин жамоатчилик жойида шапалоқ еди-я! Энди Исмат икки дунёдаям унга уйланмайди. Эрсиз қолса қолиб кетсин-э!

Исмат ҳам автостанция томон юрди. Бир тўхтама келганича холасининг қизи минган автобус жилди. Шундан кейин Исматга баттар алам қилди. Танноз ҳозир шу ерда бўлганида ҳеч эсидан чиқмайдиган қилиб, би-ир таъзирини берарди-я, лекин... шугинадан калтак едимми? Йў-ўқ, шошмай турсин, ҳозир орқасидан боради, холасининг олдида би-ир адабини беради – сочидан бура-аб... Холасиям қизини ажратиб бўпти. Яхшилаб ҳисоб-китоб қилади, кейин: «Энди қизингизни пишириб енг! Мен профессорнинг қизига уйланаман», дейди. Она-болани би-ир куйдирсин, би-ир сочларини юлиб қолишсин. Э товба! Урди-я! Исматни урди-я! Ҳеч бўлмаса сабабини айтиб, кейин ур, номард! Ҳа-а, шошмай турсин! Автобусда беш минутлик йўл-ку. Кўз очиб юмгунча орқасидан етиб боради. – Исмат кейинги автобусга чиқди. Боради, ора очди қилади. Хола, онам бегоналашиб кетмайлик, деди. Оқибатини ўйлаб, хўп девдик, лекин бу қизингиз, йўқ, қизингиз демайди, бу танноз, йўқ, танноз ҳам эмас, эчкича, ҳа, айнан шунақа дейди, ҳа, эчкича... шунақа, ҳа, шунақа, дейди. Кейин тўғри бориб, институтга киради. Керак бўлса, профессорнинг қизига уйланади. Ўшанда модни кийинган хотинчаси билан қўлтиқлаши-иб Барлосга келади. Атай мана шу кўчадан – холасию, унинг тентак қизи олдидан ўтишади. Улар анграйи-иб қолишади. Холасининг қизи ўшанда ҳам эрсиз қари қиз бўлиб ўтирган бўлади. Келиб Исматнинг оёғига йиқилади: «Мен ахмоқ эканман! Мен тентак эканман! Мен эчкичани кечиринг!», дейди, йиғлайди. Исмат эса ... ҳатто қайрилиб қарамайди. Ҳеч нарсани кўрмагандай, тўғри ўтиб кетаверади. Холасининг қизи изиллаб, яна унга ёпишади: «Агар тарсакимни унутмаган бўлсангиз, - унутинг! Мана, ҳаққингизни олинг. Мениям уринг! Ўлдиринг! Мен шунга лойиқман! Сиздай олижаноб инсоннинг қадрига етмадим. Энди менга ҳаёт ҳаётми? Бу кунимдан ўлганим яхши! Ўлдиринг! Сизнинг қўлингизда жон берай!», дейди. Шунда Исмат нима қилиш кераклигини ўйлаётган кишидай, виқор билан гастугини тўғрилайди, сўнг... Э-э, айтгандай, ўшанда ёнида профессорнинг қизи ҳам бўлади-ку, а? У ҳайрон бўлиб, бир ёқавалангар қизга, бир қимматбаҳо шляпасини тўғрилайётган эри – Исмат Саъдулаевичга қарайди. «Что такое?», деб сўрайди. «Не обрашай вниманиа! Ерунда!», деб қўяди Исмат Саъдуллаевич.

Холасининг уйи Барлосга кираверишда катта йўлнинг ёқасида. Исмат автобусдан тушган заҳоти холасига нима дейиш ҳақида ўйлай бошлади. Шундай гапирсинки, шунақа гапирсинки, уялганидан анавилар ерга кириб кетишсин. «Исматжон, ўлгулай!», деб она-бола ялинишсин, ёлворишсин. Ҳа-а, бировда ҳаққини қолдирадиганлардан эмас Исмат.

Холаси дарвозага чиқиб, қўлларини белига тираганча, ҳойнаҳой, унинг йўлига кўз тикиб турган экан. «Йўғ-э, наҳотки?!..» Исмат орқасига ўгирилиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Демак, холаси уни кутяпти. Майли, кутсин. Бориб, ҳозир ўғил болачасига гаплашиб қўяди. – Исмат ўзига ҳар қанча далда бермасин, яқинлашган сайин юраги увуша бошлади. Холаси кўп ёмон-да. Аччиғи бурнининг учида туради. Са-ал жаҳли чиқса, бас, юзингда кўзинг борми демай... Исмат яқинлашгач, ҳақиқатан ҳам холасининг авзойи бузқлигини пайқади. Ўзиям, қўлида таёқми-ей. Исматнинг қадами секинлашди. – Нима қилса экан? Бораверсинми, ё бирор юмуш билан хў-ў биттасиникига бораётгандай, ўтиб кетаверсинми? Холаси бари бир... қувса-ку, етолмайди. Исмат югуришга уста, оёқлари енгил, лекин... орият дегандай... лўкиллаб қочиб юрса... Э-э, нимадан кўрқади ўзи? Ахир холасининг қизига қўлини теккизгани йўқ-ку! Урган –у, қочган – у, тағин... индамагани учун холаси Исматдан миннатдор бўлсин. Оббо! Оёқлари нега

қалтираяпти? Холасига нима дейишни боя обдон ўйлаб қўйганди, ҳаммаси эсидан чиқиб кетди. Энди нима қилса экан, а?!

Холасини кўриб, қўвониб кетгандай: «Ий-е, хола, ассалому-алайкум! Нима қилиб турибсиз бу ерда?!», деганча. Исма қўл чўзди. Лекин холаси: «Торт қўлингни!», деди тўрсайиб.

- Ий-е, хола, тинчликми? Нима гап? Сиз... олдин бу ёғини эшитинг! – деди Исма ортига тисарилганча, сўнг ён-верига қараб олди. Ҳар қалай, қочадиган йўлини чамалаб олгани маъқул-да.

- Нега қизимни урдинг, қўлинг сингур!?

- Ий-е, хола, нималар деяпсиз ўзи?! – Исма ҳамон хушмуомала бўлишга уринар эди. Ахир маданиятли кишилар ҳар қандай шароитда ҳам назокатли бўлишлари лозим-да. – Қизингизга биз текканимиз йўқ, тегмаганга кесак отган...

- Урибсан-ку, ана, дугоналари айтди. Ҳўй, э йўқ, бе йўқ, бу нима хурмача қилиқ, а?! Сен тентакка қолдими бояқишнинг кунини?!

Холасининг кейинги гапи Исманинг эт-устихонидан ўтиб кетди.

- Пишириб енг ўша эчкичангизни! Ўлиб қолганим йўқ, шунга ошиқ бўлиб! Чақиринг ўзини бу ёққа! Бировнинг боласини уриб, тағин тўхмат қиладими? У замонлар ўтиб кетган!

- Мана! Мана қизим! Мана!..

Гап билан бўлиб, Исма таёқ етгулик жойга бориб қолган экан, ўзини четга олгунича аввал сонига, кейине ҳалиги... учта зарб тегди. Ё холаси аяди, ё ўзи эпчиллик қилди – унча жони оғримасди. Бари бир қайрилиб қочди. Қочаётиб, холасининг ойдагина қизи деразадан мўралаб турганини илғади. Ўзиям, шу ерга ипсиз боғланиб қолгандай таққа тўхтади. Бор гапни ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди. Қараса, холаси таёқни ҳаволатганча, орқасидан қувиб келяпти. Бир хаёли, «ҳў-ўв холажон, ҳадеб мени қувганча, эчкичангизга қаранг. Ўзи ўли-иб, иўлтайи-иб турипти-ку. Танача кўзини сузмаса...» деб холасини узиб олмоқчи бўлдию, яна таёқ ейишдан, тўғрироғи қиз боланинг олдида ўсал бўлишдан қўрқди. Айтиб бўладими, тақдир дегандай... Эрта-индин...

Исма ўзини узумзорга урди.

Орадан икки-уч кун ўтгандан кейин Тоштемирнинг соқол олдириб, ҳаммага кулгу бўлгани бир чеккада қолиб кетдию Барлос бўйлаб янги гап тарқади: Исма холасининг қизини олиб қочиб кетганмишми-ей...

Шу кунларда мени шошилиш Тошкентга чақириб қолишди. Ёзганларимни тез нашриётга топширишим керак экан. Тўрва-халтамни кўтариб бораётсам, Норхолнинг онаси кўчада беш-олтита хотиннинг ўртасида: «Ҳа-а! Айтмабмидим?! Исманни анойи деманглар! У ахир... отаси бўш бўлгани билан... онаси Банот кўр бўлади, демаганмидим?!», дея гап маъқуллатаётгани қулоғимга чалинди. Бу ёғи нима гап дейсизми? Шошмай туринг, мен яна қишлоққа бораман-да, ҳаммасини аниқлаб, сизга айтиб бераман. Келишдикми?

ҲАШАРЧИЛАР

Мамат молхонасининг томига лой қорди. Яхшилаб суваб қўймаса бўлмайди. Томнинг соғ жойи қолмаган. Сал ёмғир шивалагудай бўлди деганча, икки кеча-кундуз томчи томиб ётади. Бир йўлини қилиб, ёзга чиқиб олишди. У бўлди-бу бўлди, қарашса, куз ҳам келиб қоляпти. Хотини қўймади. Ҳар қалай, хотинларнинг ҳам бориға шукр. Баъзида тўғри, баъзида нотўғри гапни айтиб, эрларини йўлга солиб туришади. Маматнинг ўзи сал дангасароқ. Ҳовлида бирон иш чиқадиган бўлса, дарров отига миниб, бедазорга боришим керак, бригадир айтган, деб жўнаб қолади. Шунақа бўлгандан кейин уни ҳал қил, буни ҳал қил, деб турган хотинга ҳам раҳмат.

Мамат шуларни ўйладию, кеча ишдан эртарақ қайтиб, лой қорди. Майда сомон аралаштириб, роса обитобига етказгандан сўнг, ачисин, деб эрталабгача қолдирди. Кеча бригадирга, шунақа гап, деса: «Кўряпсиз-ку, озир бош қашишга вақт йўқ. Ҳеч бўлмаса якшанбагача тўхтатиб тулинг», дейди. У якшанба, бу якшанба, деб куз келиб қолди. Якшанбагача яна ўнта баҳона топилади. Бригадирга ўхшаган амалдорлар ялинтиришни яхши кўришади. Ахмоғингни топибсан, дедию, кетди-қолди. Хотини айтгандай, одам ўз ўйини, ўлан тўшагини ҳам ўйлаши керак-да. Тўғрисини айтса, уч йил олдин молхона қурганда лойдан безиб қолган экан, шекилли, шунинг учун лой қилишни ортга чўзиб келаётганди. Бари бир тирикчилик экан, мана...

Эрталаб уч-тўртта қўшнилари ҳашарга айтди. Ҳаммаси тушга яқин келадиган бўлишди. Фақат Эшқобил... Одамлар жуда нозик бўлиб бояртими-ей... Мамат билмай қолди. Ҳар қалай, барлосликлардан ҳам оқибат кетяпти: «Кечирасиз, Мамат ака, ҳеч вақтим йўқ», дейди. «Кечирасиз»га бало борми? Ҳе... кечирасизингни ич-чига... Ўзи шу Эшқобил кейинги вақтларда айниёпти. Айниқса, бўлим бугалтири бўлгандан бери... Қайси куни Баҳри ҳам ҳашарга айтган экан, ишим кўп, депти.

Эшқобил тўй қилганда Мамат ўзи бошида турган. Ўтган йили Эшқобил лой қилиб, ҳашарга айтганда Мамат андава тортган. Шунинг учун томидан битта чакки ўтмайди... Туриб-туриб, таъсир қилиб кетаркан. Эшқобил... нотўғри қилди-да. Яхши бўлмади, ҳар қалай. Ё Эшқобилни амал буздимикан? Ўтган йили кетмон кўтариб юрган оддийгина ишчи эди. Қишда нима бўлдию, икки ойлик бугалтирлик курсига ўрин келиб, ҳисоб-китобдан озроқ хабари бор, деб Эшқобилни юборишди. Ток очиладиган пайтгача Эшқобил ўқишни битириб, буғалтир бўлиб олди. Идорада ишлаётганига беш-олти ой бўлиб қолди. Ўшандан бери икки одамнинг боши бирикса, Эшқобилдан гап очилади. Барлосда Эшқобилнинг гапи ётмай қолди. Эшқобил ундай бўлиб кетяпти, Эшқобил бундай бўлиб кетяпти... Қўшниси бўлгани учунми, бу гаплар Маматга оғир ботади. Тўғри, Эшқобил ўзгарган, анчагина ўзгарган. Илгаригидай, эски-тускида эмас, янги костюм кийиб, галстук тақади. Соч ўстирган. Кийимлари доим озода. Кўчада ҳам гард тегиб қолмасин, деб эҳтиётланиб юради. Са-ал керилиб, қоринни чиқариб олади. Ҳар ўн қадамда бир-икки томоқ қириб қўяди. Ана шу одати одамларга ёқмайди. Ҳамма гап Эшқобилнинг ана шу томоқ қиришидан бошланди.

Илгари тўйларда эл қатори тўғри келган жойга ўтираверарди. Энди бўлимнинг катталаридан ажралмайди. Бошқарувчининг ёнида ўтиради.

Йўқ, Мамат бу гапларни Ҳасад қилганидан айтмаяпти. Эшқобилнинг нимасига Ҳасад қилади? Қолаверса, ён қўшниси бўлим буғалтири бўлиб турса – ёмонми? Албатта, идорада ишлагандан кейин яхши кийинади, лекин... Эшқобил... Маматнинг назарида қандайдир... нарсасини йўқотгандай. Ишқилиб, одамгарчиликдан чиқиб боряпти. Одамнинг кимлигини биламан десанг амал бериб кўр, деганлари рост экан. Эшқобилни амал бузди. Ҳозирги Эшқобил бир йил аввалги Эшқобил эмас. Мамат ўтакетган саводсиз эмас ахир, идорадагиларнинг қачон ишлашию, қачон дам олишини унча-мунча билади. Тақдирида бор экан, оддийгина, бедазорнинг қоровули бўлиб юрипти. Э-э, бу Эшқобил... туриб-туриб ўтиб боряпти-да.

Эшқобилникидан руҳи тушиб, Қурбонникига, Йўлдошникига, Баҳриникига, Ниёзматникига ўтди. Усмон ҳам келадиган бўлди. Шу Усмон ҳам қинғир йўлга кўп киргани билан қўшнилари раъйини қайтарган жойи йўқ. Шаҳарда студент бўлишига қарамай, Қоҳид ҳам «бўпти, ака», деб қолди. Қурбон эса:

- Янгам ош қилиб берадими ахир? – деб сўради. Қурбон ўзи шунақа. Доим ҳазиллашиб туради.
- Сиздан янгангизнинг оши айлансин, - деди Мамат, кўнгли сал-пал ёришиб.
- Янгамнинг оши бошқача бўлади-да. Бўлди! Бизни айтдингизми, ишонаверинг, момент ҳозир бўламыз. Мамат хурсанд бўлиб кетди. – Қурбон кўнгли очик йигит. Ўзи аравачали трактор хайдайди. Утинми, янтоқми, ташиш керак бўлса, илтимос қилсанг, «йўқ,» демайди.

Тушга яқин қўшнилари ҳазил-хузул билан том сувашни бошлаб юборишди. Маматнинг ўзи лойхонада

пақирларга лой солиб турди. Қурбон том устида туриб, пақирларни тортди. Томнинг ярмини суваб бўлай деб қолганларида Эшқобилнинг томоқ қиргани эшитилди (лойхона кўча тарафда эди).

- Ҳзимнинг жонажон акажоним келяпти, - деди Қурбон хушчақчақлик билан. – Ҳашарга айтмаганмидингиз, Мамат ака?

- Ҳормангла-ар! – деди бу орада етиб келган Эшқобил чўзиб, яна икки-уч томоқ қираркан. Ҳар қалай кўшни эмасми, дарров ўтиб кетолмай, хандакка яқин келиб, туриб қолди. – Лой жуда яхши бўлипти, зўр пишитибсиз, - деди Эшқобил, яна томоқ қириб оларкан. У амалга мингандан бери ақлли-ақлли гапларни айтишни, суҳбатдошларнинг диққат марказида бўлишни хушлайдиган бўлиб қолганди.

- Ҳа-а, - дедию, Маматнинг энсаси қотиб, Эшқобил арафдаги лойларни кетмон билан ўзига тортаверди. Бир сафар лойи суюқ жойга кетмонни атайлаб қаттиқ урди. Лой сачраб, Эшқобилнинг туфлисига, дазмолланган шимининг почасига ёпишди.

- Э, узоқроқ турмайсизми? – деди Мамат зарда қилиб.

- Майли энди, ҳаётда бундай кўнгилсизликлар бўлиб туради. Хафа бўлманг, ака. Ана. Америкаликлар Невадада яна атом бомбасини портлатишипти. Лой нима деган гап, қуриса, ўзи кўчиб тушиб кетади, - деди Қурбон. – Яхшиси, бу ёққа чиқинг. Бу ерга қуёш яхши тушади, ҳам шимингиз қурийди, ҳам озро-оқ лой тортиб, белингизнинг чигилини ёзасиз.

Эшқобил иккиланиб қолди. Иш билан банд бўлиб, эрталаб, «вақтим йўқ», деганини унутипти. Аслида тўхтамасдан ўтиб кетиши керак эди. Энди Қурбондан қутулиб бўлмайди. Ҳозир айтганини қилмаса, эртага юз жойда калака қилади. Бунинг устига қўлида аравачали трактор, баъзан-баъзан ишинг тушиб қолса, дарров айбингни юзингга солади.

- Қўлингиздаги папкани қаерга қўйишни билмаяпсизми? – Қурбоннинг жағи тинмасди. – Ҳў, четга қўйинг, тураверади. Фақат тезроқ чиқинг. Эсингизда бўлсин, ҳашарнинг ўртасида келдингиз, ҳашар ошининг ярмини ейсиз.

Ҳашарчилар қулиб юборишди. Ноилож қолган Эшқобил нарвондан кўтарилди.

- Костюмингизни ечинг, шимингиз лой бўлгани етади, - деди Қурбон.

Эшқобил гарангсиз, костюмини ечди. Бўйнидаги галстугини ҳам Қурбонга узатди.

- Ана энди сиз арқонни олинг, - деди Қурбон, - мен эса Барлоснинг сиздай улуғига хизмат қилиб, кийимларингизни қўриқлаб тураман.

Эшқобил тақдирга тан бериб, яна икки-уч томоқ қирди-да, илгакли арқонни қўлига олди.

СОМОНЧИЛАР

Ўзлари шу ҳолга тушиб кўрганларида билишарди. Ўтириб олиб, ҳар нарсани гапираверишади. Дўстлик борми уларда? Ё ўтказиб қўйишганми? Ё унинг оғзига хўжайинми? Керак бўлса ўзига ўзи бек, хоҳлаганини қилади, ўйлаганини гапиради. Ҳеч кимдан тил қисқлик жойи йўқ. Аслида айтиш керак эди. Яхшилиқ қиламан, деб тўхматга қолди. Рост-да, учаласи ҳам бирдай айбдор бўлса. Қўлга тушгани жарима тўлаб, тушмагани оппоқ бўлиб қолаверадими? Нимага у жарима тўлайдию, бошқалар жирттак чалиб туриши керак? Одамга алам қилади-да. Шунча пулни қуртдек санаб, ўз қўли билан кассага топширди. Ахир бу пулни топгунча озмунча меҳнат қилганмиди? Бошида, пулдан айрилса ҳам тинчгина шу машмашадан қутулаётганига хурсанд ҳам бўлган эди. Кейин, туриб-туриб, алам қилиб кетди. Айниқса, пулни кассирга топшираётганида қўллари дағ-дағ титради. Қани ҳақиқат? Нега унинг пули кетадию, бошқаларники кассасида қолади? У сомон ташиган бўлса, бошқалар ҳам ташиган. Демак, жаримани ҳам баравар тўлашлари керак. Асли, ҳамма гап хотинидан чиқди. Хотин зотининг эси пастлиги азалдан маълум. Доим эрларини тўғри йўлдан чалғитишгани чалғитишган. Бўлмаса, Ниёзмат ишдан чарчаб қайтганди. Ёнбошлаб ётиб, телевизорда футбол томоша қилмоқчи эди. Жаҳон чемпионати кетяпти ахир! Ангорга ҳам оёғи тортмай чиқди... Тоза шарманда бўлди-да. Уч кун аввал хўжалик раҳбари келиб, ўн кунликда яхши ишлагани учун унга мукофот топширган эди-я!

... Уйга келиб, кечки овқатни еб, энди телевизорнинг олдига чўнқайганди, хотини ёстиқни тортиб олди-да:

- Сомонга чиқмайсизми? – деб сўради.

- Қанақа сомон?

- Кўрмаяпсизми? Ҳамма ташияпти. Арпазорни ўриб бўлишганига бир ҳафтадан ошди. Ўшандан бери одамлар даладан бери келишмайди. Худо билади-ку, Йўлдош билан Баҳрининг сомонхонаси тўлиб кетгандиро-ов. Иккови боя қоронғи тушар-тушмас эшагига миниб, тагин жўнашди. Сиз ётаверасизми?

- Э қўйсанг-чи, бунақа иш менга тўғри келмайди. Яна қўлга тушиб...

- Ўзингиз қўйинг! Йўлдош билан Баҳрини ушламаган қоровул сизни тутадими? – деди хотини бидиллаб.

– Нима, бу йил ҳам қишда болаларингизни оқликдан қантариб қўймоқчимисиз? Йўлдош билан Баҳрининг болалари қиши билан қаймоғу-қатиқ ичсин, менинг болаларим кўзлари мўлтиллаб ўтирсинми? Шунча одам ташияпти, улар қўлга тушмаяпти-ку. Сизнинг жонингизни оладими?

Хотини у деди-бу деди, жанжаллашди, хуллас, Ниёзмат эшагига қанорни ташлаб, ангорга жўнади. Бир ҳисобда хотинининг гапи ҳам тўғри. Ўтган йили ланжлик қилиб, сомон ташимади. Оқибатда қишнинг ярмида сигирга берадиган ҳеч вақо қолмай, уни сотиб юборишга мажбур бўлди. Кўкламда эса икки баравар қимматига бошқасини олди. Сигир боқмайин десанг – яна бўлмаса, қишлоқчилик. Ҳаммининг ўзига яраша мол-ҳоли бор. Илгарилари яхши эди. Ангордаги ғаллани ўриб кетгандан кейин сомони қолар, ҳеч кимнинг иши бўлмас – одамлар хоҳлаганича ташиб оларди. Энди қўриқлагани одам қўйишяпти. Онда-сонда баъзиларни ушлайди, шарманда қилади. Бари бир мол боққандан кейин, емишини таъминлаш керак. Одамлар қўярмиди? Қоровулнинг кўзини шамғалат қилиб, кечаси ташишади. Йўлдош билан Баҳри ҳам шунақа, худонинг эринмаган бандаларидан. Буларнинг чарчамагани! Ҳеч иложи бўлмаса, ярим кечадан кейин чиқишади. Ҳамма донг қотган, ҳеч ким халақит бермайди. Тонг отгунча бемалол уч-тўр қанордан ташиб олишади. Ниёзмат ҳам ўшалардан бир-икки ҳафта жонини койитса, сомонхонаси тўлиб қолади. Кейин қиш бўйи бола-чақаси билан сут ичади, сариёғ ейди. Рост, хотини тўғри айтади.

Қишлоқдан чиқиб, ангор йўлига тушиб олгандан кейин Ниёзматнинг кўнгли яйраб кетди. Ҳаво тоза. Эшагига хала босди. Осмонда юлдузлар чарақлайди. Ой йўқ. Бир ҳисобда шуниси тузук. – Бегона кўздан пана. Қанорини бамайлихотир тўлдириб қайтавериши мумкин. Ана, сомон ғарамлари қўл теккизилмаганича турипти. Шартта-шартта устки похолени очиб ташлайдию, тагидаги қипиғига қанорини тўлдиради. Кейин ғизиллаб изига қайтади. Хотинининг калласи ишлайди. Ҳозир, қизигида ҳаракат қилиб қолгани маъқул. Ҳамма ёқни тозалаб кетишгандан кейин ғарамнинг жойини хаскаш билан қиртишлаб юрадими?

Ниёзмат йўл четидаги биринчи ғарамнинг олдида эшақдан тушди. Ғарамнинг устини очиб ташлади: Майда сомон! Ниёзмат эшагининг қозигини қоқиб, қанорга энди сомон солаётганди, катта йўл бўйлаб, чироқларини ёққанча, бир машина кела бошлади. Ниёзматнинг эсхонаси чиқиб кетди: Наҳотки қоровул бўлса? Машинасига босиб олиб кетса-я?! Чироқлар тобора яқинлашиб келарди. – Нима қилиш керак? Кела солиб, судраса, нима дейди? Яширинса-чи? Қаерга? Ғарамнинг ичига кириб кетса бўлади. Эшак-

чи? Қанор-чи? Ҳозир етиб келади, ҳозир! Наҳотки қўлга тушди? Йўқ, нега қўрқяпти ўзи? Нима, сомон ташиган битта уми? Ана, Йўлдош билан Баҳри ҳам юрипти. Жуда қўймаса: «одамлар чиқаётган экан, мен ҳам чиқдим», дейди. Улар нима бўлса, Ниёзмат ҳам шу. «Қанақа одамлар?», деб сўраса, икковини кўрсатади. Лекин... лекин чақимчилик бўлмасмикан? Бордию, қўлга тушса, уларни ушлаб бергандан нима фойда? Бари бир жарима солади. Яхшиси, айтмагани маъқул. Қутулиб қолишса – бахтлари, бўлмаса – ўзлари жавоб бераверишсин. Йўқ, ҳеч кимни айтмайди. Чақимчилик ... яхши эмас.

Аmmo ҳозир бир илож топиш керак...

Машина жуда яқин келиб қолди. Ниёзмат кўрқиб, шоша-пиша қанорнинг устига сомон ташлай бошлади. Қандай бўлмасин, қанорни яшириш керак. Эшак бир гап бўлар. Ҳайдашса, қочиб кетаверади. Ниёзмат кейин ушлаб олаверади. Бироқ эшакдан гумон қилишса-чи? Э-э, далада нима кўп, дайди эшак кўп. Бари бир... гумон қилишса-чи? Ахир эшак эгарланган, қозиғи, арқони бор. Гумонсираб, ғарамни ағдаришса-я! Кейин нима бўлади? – Ниёзмат беҳол тортиб, ўзини ғарамнинг устига ташлади. – Тамом! Қўлга тушди! Энди ҳеч қандай нажот йўқ. Кўз олдига бало-қазодек, хотини келди. Ғавғонинг бари ўшандан чиқди. Тинчгина футбол кўрмоқчи эди. «Ана Йўлдош билан Баҳри кетди, сомонхонасини тўлдирди, биз қуруқ қолдик», деб қақшайвериб, бошини қотирди. «Сигир», деди, «қаймоқ» деди, бало деди, баттар деди. Сигир бўлса, очдан ўлмасди. Бир амаллаб қишдан чиқаришарди. Мана энди... Энди бўлса... Ниёзматни Йўлдош билан Баҳрига тенглаштирадими? Иккови азалдан бунақа ишлардан тап тортмайди. Ниёзмат бир-икки марта яширинча сомон ташиган бўлса экан. Аслида ўзида ҳам айб бор. «Бормайман» деб туриб олса, хотини нима қила оларди? Жавраб-жавраб, охири тинчирди. Ҳа, эр каллани ишлатмагандан кейин, хотинининг йўриғига юравергандан кейин...

Ана! Машина шундоқ ёнига келиб тўхтади. Ичидан кимдир туша бошлади.

Ниёзмат ғарамга кириб кетгудай бўлди. Гўё вужудидаги жон ҳавога учиб кетгану, ўрнида қуруқ танаси қолгандай. У осмонга қаради. Юлдузлар чарақлайди. Боя кўзига ҳаммаси яхши кўринаётганди. Энди худди ундан кулишаётгандай... Энди нима бўлади? Илғор ишчи номи бор эди! Совхоз раҳбарлари мажлисларда унинг номини ҳурмат билан тилга оларди. Қўлга тушгани уларнинг ҳам қулоғига етади. «Яқинда орденга ёзамиз», деб ваъда қилишганди. Ҳаммаси тугади. Бригадир нима деркин?

Бошлиқларга ўша айтган эди-да, илғор ишчимиз Ниёзмат ака шу киши бўлади, деб. Энди унга ҳам гап тегади.

Ниёзмат ёнгинасида ғарамни тумшуғи билан титкилаб, тўкилган донларни териб еяётган эшагига гангиб тикилди. Бирдан эшакка аваси келиб кетди. Қани энди, ҳозир эшакка айланиб қолсаю, бемалол сомон чайнаб турса. Келганлар ҳайрон бўлиб қайтиб кетишарди. Кейин Ниёзмат яна ўз ҳолига қайтарди-да, уйига югурарди. Уюнақа югурарди, шунақанги югурардики, сомонининг ҳам, эшагининг ҳам, қанорининг ҳам падарларига минг лаънат! Унга деса, шу далада қолиб, чириб кетмайдими?

- Ака...

Ниёзмат қандайдир овоз қулоғига чалинганидан ҳайрон бўлди. Овозда буйруқ ўрнига илтимос оҳанги кучли эди. Баттар таажжуби ошди. Ахир, енгидан чангаллаб, машинага судрашларини кутганди-да. Бу қанақаси? Ёки қулоғига чалиндими? Ажабмас!

- Ҳў-ўв, ака! – деган илтимосли овоз яна такрорланди.

Ниёзмат хаёлида эмас, чиндан илтимос қилишаётганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг секин ўгирилиб қаради. Қаршисида яхши кийинган, галстук таққан бир киши мулойим боқиб турарди.

- Ака, бир илтимос, - деди пўрим киши умид билан. – Самарқанддан кечроқ чиққандик., адашиб қолдик. Музбел қишлоғига боришимиз керак эди. Йўлни кўрсатиб юбора олмайсизми?

Ҳануз ҳушини йиғиб ололмаган Ниёзмат серрайиб ўтирарди. Қаттиқ тортилган асаблари бирдан бўшашиб, вужуди халтадек осилди. Ўтакасини ёриб юбораёзган бу одамнинг башарасига тўйибқараб олгиси, унинг безарар эканига қайта-қайта ишонч ҳосиб қилгиси келарди. Ниёзмат «ҳа» дегандек бош силкиди. «Биламан» демоқчи эди, овози чиқмади, бундан ўзи ҳам ҳайрон бўлди.

Эсини чиқариб юборди-е! Қоровул келди, деб ўтирибди-я! Ўзи, юракдан ҳам берган экан-да. Қоровул бўлганда-чи? Еб қўярмиди? Бунча кўрқмаса? Олса, бир қанор сомон олибди. Ҳамма ёқни сомон босиб ётибди, камайиб қолармиди? Эплаганлар машиналаб ташияпти. Бари бир шунча кўриқлашгани билан сомоннинг ярми далада қолиб, чириб кетади.

Ниёзмат йўловчини жўнатгандан кейин қанорини қайтадан ёзиб, шоша-пиша сомон тика бошлади. Бир оздан сўнг тўла қанорларини эшакка ортиб, Йўлдош билан Баҳри ўтишди. Улар йўлнинг ёқаси хавфли эканини, ўтган-кетган кўриб қолишини, шунинг учун ангорнинг ичкарироғига киришни маслаҳат беришди.

- Қоровул йўқми? – сўради Ниёзмат ишдан тўхтамай.

- Ичкарироққа кирсангиз ҳеч ким бўлмайди, - деди Йўлдош.

Ҳа, мана, гап қаерда! Ахмоқ бўлмаса, Ниёзмат катта йўлнинг ёқасидаги ғарамга тегадими? Қанор яримдан ошиб қолган эди. Энди судраш баттар қийин. Яхшиси тезроқ тўлдириб, жўнаш керак. Яна иккита машина ўтадиган бўлса, юраги ёрилиб ўлиши ҳеч гап эмас.

Наридан бери қаппайтирилган қанорни эшакка ортиб, ҳовлиқиб келаркан, ангорга қайтиб кетаётган Йўлдош билан Баҳрини кўрди. Булар чарчамайдиям, қўрқмайдиям! Икковининг сомонхонаси тўлиб кетгандир. Ниёзматнинг сомонхонаси бўм-бўш. Утган йили қишда сигирининг шикоятомуз мўнграшларини эсласа, ҳали-ҳали юраги увушади. Минг тўғри бўламан, дегани билан сигир керак, сут керак, сигирга ем-емиш керак. Манавилар қўрқмасдан ташияпти. Нега у қўрқади? Ҳозиргина икковини қанорларини тўлдириб-тўлдириб кетган эди, яна қайтиб келяпти. Ниёзматники бор-йўғи тўрвадек қанор, шуни ҳам ёлчитиб тўлдиришга юраги дов бермади. Бир-икки ҳафта ғайрат қилса, қишлик сомонни ғамлаб қўяди. Футбол кўраман, деб ётса, ётаверади-да. Футбол сигир бўлармиди. Икки ҳафта томоша кўрмай турса, икки ҳафта сал камроқ ухласа, уч қишда жони тинч бўлади. Бор-йўғи икки ҳафта! Қанорини бўшатаётганда ҳам Ниёзматнинг хаёлидан шу фикрлар кетмади. Сомонхонанинг бурчаги оқариб қолди. Фонусни кўтариб, ёритиб турган хотини сомонни кўриб, кўзлари яшнаб кетди: «Қипиқ сомон экан, қишда сигирнинг жони киради!»

- Йўлдош билан Баҳри яна кетди, - деди хотини, ҳовлига чиқишганда эрига синовчан тикилиб.

- Эшакни олиб кел, - деб буюрди у, уст-бошини қоқаркан.

Яна бир бориб келса нима қилади? Анча ҳавосини олиб қолди. Энди йўлнинг четроғида юради. Бари бир борса ҳам, бормаса ҳам кун ўтаверади. Шунинг учун яхшиси... Албатта, совхоз сомон беради, бермайди эмас. Лекин ётиб еганга тоғ чидамайди. У сомон бир ойга етмайди. Қолаверса, совхоз Баҳри билан Йўлдошларнинг сарқити – похол сомонни беради. Кейин-чи? Кейин яна сигирни сотадими? Йўқ, ҳозир қийналса қийналар, ҳозир майда сомонни ташигани маъқул. Баҳри билан Йўлдошнинг жони темирдан эмас, улар ҳам чарчаса керак, аммо ташияпти.

Ниёзмат эшакка миндию, яна далага равона бўлди. Энди ўзини босиб, анча дадил тортганди. Бунча қўрқмаса? Нимага анави иккови қўрқмайдию, Ниёзмат қўрқиши керак? Улар нима бўлса, бу ҳам шу!

Ниёзмат уларга яқинроқ жойдаги ғарамни танлади. Ёнида ўзи каби илинж билан юрган одамлар борлигини ҳис қилиб, кўнгли янада хотиржам тортди. Аввалгидек, атрофга қоровулнинг қорасини қидириб эмас, ҳавас билан тикилди. Ҳар ер-ҳар ерда қатор-қатор дўппайган сомон ғарамлари уюлиб ётарди. Шу ғарамларнинг ўнтаси, йўқ, ўн бештаси, йўқ, йигирматаси сомонхонасига бориб қолгандами, Ниёзмат икки йил кўлини совуқ сувга урмасди. Ёки... сигирини иккита қиларди. Сигирларнинг ёнига биттадан тана қўшиб сотиб олса ҳам бўлади. Йигирма ғарам сомон, керак бўлса, ўнта қорамолни бир қишдан чиқаради. Йигирма ғарам сомонга нафақат сомонхонаси, балки бутун ҳовлиси тўлиб кетади. Қани ўшанда ҳам хотини: «Йўлдош билан Баҳри кетяпти», деб чеграйиб кўрсин-чи! Билади нима қиларини! Э, хотин зоти тўярмиди!? Ўшанда ҳам: «Манавилар қатори яна икки марта бориб келсангиз бўлмайдимиз? Худо билади, келаси йил сомон қанақа бўлади? Борида аракат қилсангиз-чи!», дейди. Ишқилиб, тинчитмайди. Аммо унда Ниёзмат пинагини бузмайди. Бемалол ётаверади.

Ниёзмат катта йўлга қаради. Машиналар ҳамон ўтиб турарди. Ана, иккаласининг қанори тўлай деб қолипти. У шошиб, ғарамнинг поҳолини ағдардию, майдасини қоплашга тушди.

- Тезроқ тўлдириб-у, кетинг. Яна чиқсангиз икки соатлардан кейин чиқинг. Анавиларнинг келадиган вақти яқинлашяпти. Улар келса, бир соатча айланишади. Кетса, яна келамиз, - дея огоҳлантирди Йўлдош жўнаётиб.

Бу гапни эшитиб, Ниёзматнинг юраги чиқиб кетай деди. Улар кўздан йўқолгандан кейин кенг далада бир ўзи қолиб, хаёлига ҳар хил фикрлар кела бошлади. Ўзини ўзи чалғитиш мақсадида зўр бериб сомонни қанорга тикди. Азбаройи ҳовлиққанидан қанор тўлгандан кейин эшагига ортолмай, анча овора бўлди. Қанорни эшакнинг устига ташлаган эди, нариги томонга оғиб кетди. Тутақиб, эшакни бир тепди. Эшак тисарилиб, қанор ағдарилиб тушди. Ниёзмат бир бало қилиб, қанорни ортиб, эшакни ҳам, қанорни ҳам, сомонни ҳам, Йўлдош билан Баҳрини ҳам, хотинини ҳам аралаш-қуралаш сўқиб, уйига жўнади. Ҳаммаси ана шунда юз берди.

Энди катта йўлдан ўтаётганда ғийқ этиб, олдига бир машина келиб тўхтадию, ичидан бир киши чиқди. Ниёзмат анграйганча тўхтаб қолган, ҳатто кўрқиш хаёлига ҳам келмасди. Фақат вужуди бўшашиб, оёқлари қалтираётганини сезди.

- Ассалому алайкум, ака, - деди қоровул хушмуомалалик билан қўл олиб кўришаркан. – Ҳа? Би-ир

чиққан экансиз-да, а?! Исмо-фамилиянгиз?

Ниёзмат индамади.

- Исмо-фамилиянгизни айтинг деяпман! – деди қоровул товушини баландлатиб.

Ниёзмат ноилож айтди. Айтдию, ўзи ҳайрон қолди. Чунки, мабодо қўлга тушиб қолса, бошқа фамилияни айтишни мўлжаллаб, эҳтиёт шарт уч-тўрттасини ўйлаб қўйганди. Ҳозир бирортаси эсига келмай, ўз фамилиясини айтиб ўтирибди.

- Қачондан бери ташияпсиз? Сомонхонангиз тўлайдеб қолдимиз? – дея қоровул яна бирдан юмшаб, ошнаси билан суҳбатлашаётгандай сўради.

- Ўзи... бугун чиққандим, иккинчи қанор... шу, - деди Ниёзмат қулт ютиниб.

- Ёлғон гапирманг! – қоровул яна дўқ урди.

- Йўқ, рости билан, ишонмасангиз бориб кўринг, - деди Ниёзмат, юраги така-пука бўлиб. Қоровулнинг гап оҳанги бунчалик тез ўзгаришидан чўчиб қолганди.

- Алдамаяпсизми? – дея қоровул синовчан кўзларини қаттиқ тикди.

- Йўқ! Айтяпман-ку, ишонмасангиз бориб кўринг.

Яна бир-икки ўшқирадиган бўлса, Ниёзмат: «Нима, сомон ташиётган битта менми? Кўзларинг битта мени кўриб қолдимиз? Ана, Йўлдош билан Баҳри ҳозир ўтиб кетди», дейишга шайланаётганди, яхши ҳам қоровул:

- Қанордаги сомонни тўкинг-да, уйингизга жўнанг. Эртага пунктга боринг, ўша ерда гаплашамиз, - дея машинасига ўтириб, жўнаб кетди.

Ниёзмат нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб турарди. Дарров машинасига солиб, олиб кетмагани яхшилиқнинг аломатими, ёмонликнинг? Бормаса-чи? Йўқ, бўлмайди. Исм-фамилиясини тўғри айтиб қўйди. Бундан ташқари қоровул совхознинг ҳамма одамларини яхши танийди. Исмини билмаса-да, юзидан ажратади. – Ниёзмат ўзини йўлдан урганларни бисотида бор сўқишларга кўмиб ташлади.

Эртасига қоровулнинг буйруғига биноан жарима пулини тўладию, кейин бирдан алам қилиб кетди. Рост-да, Ниёзмат тўрвадек қанор билан қўлга тушиб ўтирсаю, Йўлдош билан Баҳри сомонхонасини тўлдириб, ҳеч нарса кўрмагандек, оппоқ бўлиб юраверишса! Қани адолат?

Эртасига Барлос талатўп бўлиб қолди. Йўлдош билан Баҳрини, яна талай сомон ташиганларни пунктга олиб кетишибди. Ниёзмат кўчадан ўтаётса, ҳамма унга бошқача қарайди. Нафрат биланми-ей, истеҳзо биланми-ей... Ҳайрон бўлиб уйига келса, хотини тўрсайиб ўтирипти. Кейин билса, бутун Барлосда: «Йўлдош билан Баҳрининг устидан Ниёзмат маълумот берган», деган миш-миш тарқапти. Кимдир унинг пунктда ўралашиб юрганини кўрган экан. Одамлар Ниёзмат ҳақида ҳар хил ёмон гапларни айтишаётганмиш: «Бу одамдан кўрқиб керак, эртага бир ёмон кун туғилса, ўз жонини асраб қолиш учун бутун Барлос қишлоғини сотиб юборишдан ҳам тоймайди», дейишаётганмиш.

Ахир у чақимчилик қилгани йўқ. Асли, айтиши керак экан! Ана ундан кейин алам қилмасди. Ким экан уни пунктда кўрган?

Ниёзматнинг мушти тугилиб, кўчага чиқди. Ким бўлмасин, қаерда бўлмасин, ҳозир ўша тухматчини топадию, ёқасидан олади. Кейин ростини айтиб беришга, бўҳтонини қайтиб олишга мажбур қилади.

- Ҳе онасини... уни!..

ЙЎЛОВЧИ

Бу дунёда мен бир йўловчи...

Ҳаёт гўзал!
Яшаш яхши!
Яхши яшаш яна ҳам яхши!
Озодликда нафас олишнинг гашти қанчалар лаззатли,а!
Наҳотки у энди доим озод?
Наҳотки энди уни ҳар қадамда пойлаб юришмайди?
Наҳотки эрки ўз қўлида?
Одамнинг ишонгиси келмайди. Бу дунёда одам боласи не ҳолларга тушмас экан.
Тўлқин қамоқхонага тушганда етти йил сира ўтмайдигандай туюлганди. Мана, ҳозиргина дарвоза олдида ҳужжатларини қўлига бериб, «қайтиб келма», деб чиқариб юборишди. Қўлига уч сўм пул тутқазишди...
Тўлқин автобусга ўтириб, катта шаҳарга жўнади. У одамларга қувонч билан қарар, «энди мен ҳам сизлардек озодман», дегиси келарди. Лекин дилидаги шодлик юзига аянчли ҳаяжон бўлиб чиқаётганидан беҳабар. Унинг юзи, ҳолати, қилиқлари чуқур ички кечинмалари туфайли ғалати кўриниб, йўловчилар диққатини жалб қиларди. Тўлқин ўзининг шунчалар қувончли дамларида ҳеч кимни ёмон демас, ҳаммани яхши кўргисикелар, ҳаммага меҳр билан тикилишга ҳаракат қиларди.
Қандай бахтли одамлар! Ҳаммаси озод! Қаёққадир ўз иши, турмуш ташвишлари сабабли шошишади. Тўлқин ҳам Барлосдаги ўз уйига кетяпти. Ҳозир тўғри бориб, онаси ётган хоналарни, тўшақларни зиёрат қилмоқчи. Ўз қўли билан Тўлқинга атаб тиккан буюмларни бир бошдан кўздан кечирмоқчи. Ўпмоқчи.
Қанчалар қадрдон буюмлар-а!
Қанчалар қадрдон уй!
Шунчалар соғиндики, шунчалар соғиниб кетдики... Эҳҳ!
Тезроқ етиб борсайди. Ҳовлисини кўрсайди. Уйини кўрсайди. Одам йўқлигидан деворлари нураб кетгандир. Қариндошлари қараб туришибдимикан?
Ҳовлида икки туп ҳусайни узум бўларди. Пишар-пишмас тагига ўтириб олиб, битталаб териб ерди. Онасининг фикри-ёди узумни бозорга чиқариб сотиш эди. Тўлқин эса ей қўйган бўларди. Онасини буни билиб қолиб, Тўлқинни олдига солиб қуварди. Кейин: «Сотиб сенга кийим-бош қилмоқчи эдим. Пулини гўримга орқалаб кетармидим?», деб йиғларди. Тўлқин эса парво қилмасди. Бебош эди...
Эҳҳ! Қанчалар ахмоқ бўлган экан-а!?
Энди онаси йўқ! Онаизори йўқ!!
Борида қадрига етмади. Онаси қамоққа тушганининг биринчи йилиёқ ўлиб кетган.
Онасини хотини кўмган. Буни одамлар кейинчалик айтиб беришди. Шунинг учун Тўлқин хотинидан норози бўла олмайди. Тўлқин ҳозир тўғри қабристонга боради. Онасининг қабрини зиёрат қилади. Йиғлайди, сиқтайди, бўзлайди, кўнглини бўшатади.
Илгари енгилтак бўлган экан. Ҳа, бу темир панжаралар одамни кўп нарсага ўргатади. Ҳаётни тушунтиради. Ўлганда онасининг бошида тура олмади. Яккаю-ёлғиз ўғил, ёлғиз фарзанд эди. Балки умрининг охириги дақиқаларида ҳам «ўғлим» деб, йўлига кўз тикиб кетгандир...
Дафн маросими қандай бўлди экан? Онамлайдиган инсон йўқ, тўртта одам кўтариб бориб, лаҳадга қўйгану, қайтиб келаверган. На худойиси, на бирон маъракаси ўтказилмагандир. Тўлқиннинг дастидан хор-зор яшаб,хор-зор ўлиб кетди-я! Судда унга ҳукм чиқаришаётганда ҳам онаси бўзлаб йиғлади. Тўлқин эса қилмишидан эмас, онасининг кўз ёшларидан эзилиб кетганди.
Ўша пайтлари ҳар куни ичгани ичган эди. «Онам мени кўчадан соғ кутиб олмаган, доим маст бўлганман», деб ҳамтовоқларига мақтанарди. Яқинда уйланган хотинини сочидан тортиб, додлатиб ураётганда орага тушмоқчи бўлаётган онасини кўкрагидан итариб юборганини, онасининг оғзи-бурни қон бўлиб, ўрнидан турганини ҳавтовоқларига айтарди. Ўзича бу ишларни қаҳрамонлик деб ҳисобларди. Ўшанда ҳозирги ақлининг заррачаси ҳам бўлмаган. Онасининг эрка ўғли эди. Айтгани айтган, дегани деган эди. Ўз-ўзидан киссага пул тушиб турарди. Фақат хоҳиш керак.Шундай бўлгандан кейин у ичмай ким ичсин? Ўзини дунёнинг устун деб биларди. Гўё истаса, ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборадигандай. Кейин уйга келарди-да, кучини қаерга сарф қилишни билмай... ёшгина хотинига

мушт кўтарарди. Уйланишда ҳам Тўлқин заррача жон куйдирмаган. Ҳаммасини онаси югуриб-елиб тўғрилаган. Истаганинг шай бўлиб турса, атрофиндагилардан қийиқ ахтаравераркансан. Фақат баҳона керак. Кейин тайёр жанжал. Келганини кўриб, хотини чаппа қараса ҳам – тамом. Айбдор саналарди-да, жанжал бошланарди. Ундай эмас – бундай, бундай эмас – ундай... Онаси: «Болагинам, нега мени зорлатасан? Ота кўрмай ўсдинг, кўнгли ўксимасин, деб айтганингни қилиб, хоҳлаганингни едириб, сеникатта қилдим. Уйлантириб, энди орзу-ҳавас кўраман, деганда насибам шумиди? Катта бўлса эси кирар дедим, уйланса босилар дедим. Сен бошқача бўлдинг. У ёқ, бу ёғинга қараб иш қил, ҳалиям бўлса эсингни йиғ, болам!» деб неча бор ялинарди. Тўлқин эса: «Сен кампир менга ақл ўргатадиган бўлдингми?», деб шқирарди. Қасдма-қасдига, фақат «кампир»нинг истаклари амалга ошмаслиги учун янада кўпроқ ичарди. Илгари хотинини ўз хонасида урса, энди ҳовлига, кўчага чиқариб урадиган одат чиқарди. Қишлоқ аёллари: «Феодал қолдиғи! Хотинбезори», деб орқаваротдан гап қилишипти. Хотинига: «Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган, эр қуриб кетибдими сенга, кет ундан», деб ақл ўргатишарди. Ҳали-ҳали ҳайрон қолади. Хотинининг чидамига ҳам балли-е! На отасининг уйига арз қилиб боришти, на судга. Тўлқин яхши билади, хотини қачон қараса, Тўлқиннинг онаси билан гаплашиб ўтирган бўларди. Бундан жаҳли чиқарди. «Икковинг бирикиб, менга фитна уюштираяпсанлар», деб баттар дилозорлик қиларди. Йўқ ердан баҳона топиб, «биламан, отангникига кетиб қолмоқчисан. Сен мени судга бермоқчисан. Агар шунақа сассиқ ишларингни шарпасини сезиб қолсам, сўйиб ташлайман», деб хотинини қон қиларди. «Биламан, сенинг ўйнашинг бор, мен йўғимда фалон иш қилиб юрибсан, писмадон иш қилиб юрибсан. Менга ўшаларни қаердан бўлса ҳам топиб берасан», деб неча марта хотинининг бўғзига пичоқ тираган. Э, ўзиям хотинининг тоғдай юраги бор экан. Пичоқни бўғзига тираса ҳам чидабди-я! «Эси кириб қолар» деган. «Онасининг арз-додларидан бир хулосага келар» деган. «Минг қилса ҳам бир ёстиққа бош қўйдим, кетиб қолсам яхши бўлмас» деган, «енгилтаклик қилмайин» деган. Ҳа, кўп нарсаларни ўйлаган. У эса... баттар бўлди.

Тўлқин одатдагидай, хотинини сочидан тортиб, кўчага судради. Орқасидан онаси дод-войлаб чиқди. Иккисининг йиғисига кўча ларзага келди. Аммо Тўлқиннинг бир туки қилт этмади. Бунақа ишлар унинг учун одат тусига кириб қолганди. У ичган эди. У зўр эди. Зўрлигини намойиш қилаётганди...

Қанчалар чиройли жувон эди-я, хотини!

Қанчалар маъсума эди!

Сочлари момикқина, майингина эди. Хушбуй ҳид анқиб турарди. У сочларни тортиш эмас, силаш керак эди, ардоқлаш керак эди. Лаззатларга кўмилиб, ўпиш керак эди.

Қани энди ҳозирги ақлининг заррачаси ўшанда бўлганда эди. Онасининг пойига йиқилиб зор йиғларди-ку! Хотинининг кўзларидан бир томчи ҳам ёш оқизмасди.

Эҳ, ҳаёт! Шунақа қилиб яшаган экан-да! Яшаш мумкин экан! Зўр эди. Шер эди. Қайирдилар!

Синдирдилар! Эсини киргиздилар. Аммо кеч! Жуда кеч. Эҳҳе!

Ҳар бир ишнинг чеки бўлади. Яхшилигу-ёмонлиқнинг ҳам чеки бўлади.

Ўша куни зўравонлигига чек қўйилди. Қўшниларининг сабр-тоқати тугади. Ўрта ёшлардаги қўшниси Файзулла ака келиб, елкасидан ушлади. «Қўй» деди, «уял» деди. «Бу томошангни йиғиштир, бўлмаса ўзим судга бераман» деди. Тўлқиннинг кўзлари чақчайиб кетди. «Судга берадиган насиҳатгўйни» қўлочкашлаб солиб юборди. «Менинг хотинимни ҳимоя қиляпсан. Балки сен ўйнашидирсанки, жонинг ачияпти. Йўқол тез!» деб вишиллади. Зўрлигини яна бир карра намойиш қилди. Қўрқиб кетар, деб ўйлади. Файзулла ака эса кетмади. Ўзини қайтариб урди. «Сендақа зўрни...», деб ерга ётқизиб, қўлини орқасига қайириб олмоқчи бўлди. Қайси зўр ўзини урганларида қараб турган. Қайси шер ўзини занжирлаётганларида ваҳима билан ўқирмаган? Шер ҳеч қачон осонликча занжирбанд бўлмаган. Уни мажбур қилишган. Тўлқинни ҳам мажбур қилишмоқчи бўлишди. Қанақаси бу? Э йўқ, бе йўқ, ётқизиб олиб ураверса, одамга алам қиларкан. Нима ҳаққи бор? Ҳали Тўлқиннинг қўлини қайирадиган онасидан туғилган эмас. Ҳозир кўрсатиб қўяди.

«Зўр» жон-жаҳд билан қаршилиқ кўрсатди. Куч билан ётган ерида бир қўлини озод қилиб, пичоғини шартта суғурди-да, Файзулла аканинг қорнига солиб юборди. Устидаги «тоғ» ағдарилиб тушди. «Шер» занжирдан халос бўлди. У яна озодликка чиқди. Чиқдию...

Қўшниси қонга беланиб ётарди. Тўлқин қўлига қаради. - Қонли пичоқ!.. Вужуди бўшашиб, мастлигидан ном-нишон қолмади. Қонли пичоқни отиб юборди. – Қўллари қон!

Юракни эзиб юборгудай қичқириқ эшитилди. Сочларини юлганча, Файзулла аканинг хотини югуриб келарди. Тўлқин уйга кириб кетди. Ётиб олди. Унинг елкалари силкина бошлади. – Йиғларди. Нима қилганини аниқ-тиниқ билиб турарди. Ҳозир ҳамма қўшнилари ёпирилиб киришини, ўзини ўртага олиб,

ўлгудай дўппослашларини истарди. Ўлдириб ташлашса ҳам майли. Ўшанда ҳақ жойида қарор топади.

Кўчада шовқин-сурон кучайди, лекин биттаси ҳам Тўлқиннинг олдига киролмади. Пичоқ солиб юборади, деб ўйлашди. У сезиб турарди. Ҳаммаси ўзини ўйлайди. Ҳаммаси мунофиқ. Жон ширин. Шунча вақтдан бери биронтаси келиб: «Кўй энди! Тўлқин, эсингни йиғ!» демади. Мана, охири иш одам сўйиш билан якунланди. Шунчалик ҳам осон экан. Шартта пичоқни тиқиб олди, вассалом! Ўшанда фикри-ёди ўзини ҳимоя қилиш эди, холос... Яхшиям, пичоқ Файзулла аканинг қорнига кириб, жон жойларига унчалик зарар етмаган экан...

Тўлқин қамоққа тушгандан кейин кўп ўтмай хотини ўғил туққан. Шунча азоблардан кейин бола она қорнида қандай омон қолди экан. Ҳозир етти ёшга кирган. Қанақа экан? Мактабга бораётган бўлса керак. Портфель кўтариб югуриб юргандир. Отасини танирмикан? Онасини кўмгандан кейин хотини бошқа эр қилиб кетган. Тўлқин эмас, бошқа кимдир ўғлига оталик қиляпти. Ўғли ҳақиқий отаси қамоқда ётганини, бир вақтлар қип-қизил безори бўлганини билмасе керак. Тўлқин оталиқдан ҳам маҳрум. Қанчалар шафқатсизлик! Ўғли қай тахлит ўқиётган экан? Унга ўхшармикан? Исмини нима кўйишди экан? Чиройлисидан танлай олдилармикан? Тўлқиннинг ўзи бўлганда зўр исмлардан бирини қўярди-да: Шавкатми, Шухратми, Илҳомми! Эҳҳе, қанчасини билади. Хотини-чи? Қанақа экан? Ўша маъсумалигича турганмикан? Тўлқин билишни истайди. Ахир у пуштикамаридан бўлган ўғлининг онаси! Майли, ўғли бир умр отасининг кимлигини билмасин, бошқа бировларни «ота» десин, бошқа бировлар номида юрсин. Бари бир ўғлида унинг қони бор. Йўқ, йўқ, ҳеч ким уни ўғлидан ажрата олмайди. Ўзиникими, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.. Борадию, «юр ўғлим», деб қўлидан етаклаб олиб кетаверади. Қўлларидан келганини қилишсин. У ахир ота, ҳали ўлгани йўқ.. Битта ўғлини боқишга қурби етади. Хотини иккинчи эри билан қоладими, у билан кетадими, ўзи билади. Иши йўқ. Бунинг устига яна икки-учта туғиб олган бўлса, ўшаларига иккови қаноат қилаверишсин. Ўғлини эса ўзига қайтариб беришсин. Ҳозир тўғри ўғлининг олдига боради...

Вокзалга етиб кетишди. Тўлқин кассаг бориб, пассажир поезди районларига икки соатдан сўнг жўнашини билиб, қайтиб кўчага чиқди. Одам ёғ-ёғ. Ҳар ким ҳар ёққа шошади. Фақат у аланглаб, бир унга қарайди, бир бунга қарайди. Қарашлари ғалати. Бир кўрсанг куляпти дейсан, яна бир кўрсанг йиғляпти дейсан. Юзи буришган-тиришган, кичкина кўзларидан нимани ўйлаётганини билиб бўлмайди. У талмовсираб қадам ташларди. Димоғига иштаҳани қитикловчи ҳид урилди. Ёнгинасида сихга терилган кабоблар қизариб пишаётганди. Сўлаги оққанча илжайиб, кабобпазга қаради, сўнг кабобга. Яна кабобпазга. Бирдан қорни очганини сезди. Қачонлардан бу н бунақа ширин таом таъмини тотмаган. Аммо чўнтагида бор-йўғи икки сўм тўқсон тийин пули бор. Ўн тийин автобусга кетди. Уйигача йўлга икки сўм. Тўқсон тийин овқатга. Шунини мўлжаллаб, қўлига уч сўм тутқишишган. Бироқ савил кабобнинг олдида турсаю, қандай ўзини тутди? Шуям ишми? Кабобни қаранг-а! Қип-қизил! Кўзини узгиси келмайди одамнинг. Сихи билан олсангу, битта-битта тишлаб еяверсанг. Э, нима бўлса бўлар, олдин қорнини тўйдириб олсин. Озод қуш ахир, хоҳлаган томонига учади, истаган ишини қилади.

Тўлқин бир кишилик кабоб олиб, четдаги стол ёнига ўтирди. Ёнидаги стол атрофида тўрт йигит – олдиларидаги баркаш тўла кабоб, бирининг қўлида шиша – хо-холашиб ўтиришарди. Косагул дўстларига ароқ қўйди: «олинг-олинг, сиз ичинг, мен ичмайман, йўқ, мен бўлдим...» Уларга қараб, Тўлқин завқланиб кетди. Кабобни олишга-ку, олди, лекин... юз грамм ароқ бўлсайди. Кўп керак эмас. Айтгандай, бугун қамоқдан чиқди, буни ювиш керак. Аммо бор-йўғи бир сўм йигирма тийин пули қолган. Уйига кетишга ҳам етмайди.

«Айнан юз граммлик қолипти!»

Тўлқин ўз кашфиётидан қувониб кетди. Ўзи учун шундай қувончли кунда ҳеч ким айб санамайди. Мана бу йигитлардан Тўлқиннинг қаери кам?.. Бир зумда Тўлқиннинг истаги рўёбга чиқиб, столида ароқли стакан пайдо бўлди.

Овқатни еб бўлгандан кейин Тўлқин яна ичкиси келаётганини пайқади. Йўқ, ячхисиси уйга кетишнинг йўлини қилиш керак. Қандай қилиб? Ҳеч нарсаси борми? Билагини ушлади. Қўлига соатнинг занжири тегди. Миясига ялт этиб бир фикр келдию... Соатни сотса-чи?

Тўлқин ўрта ёшлардаги, мўйловли, қишлоқилиги кийимидан билиниб турган бир кишини тўхтатди. Йўловчи ҳайрон бўлди.

- Юраверинг, ака, хурсанд бўласиз, - деди Тўлқин, эҳтиёткорлик билан уни четга чиқараркан.

- Менда нима ишингиз бор?

- Мана! – Тўлқин қўлидаги соатни чиқариб, унинг қўлига тутди. – Сотмоқчиман, қанча берасиз?

Йўловчи ҳайрон бўлиб, бир унинг ғалати башарасига, бир соатига қаради.

- Қўрқманг ака, ўғирлаганим йўқ. Ўзимники, - деди Тўлқин, унинг кўнглидан кечаётган фикрларни пайқаб. – Тўғриси айтсам, киссавурларга пулимни олдириб қўйдим. Уйга кетишим керак. Йўлга пул йўқ. Шунинг учун соатимни сотаяпман.

- Ҳа-а, - деди йўловчи бир оз таскин топиб ва соатни кўра бошлади. – Қанча сўрайсиз?

- Ўзингиз қанча берасиз?

- Мол сизники, сиз нарх айтинг.

- Тўғриси айтсам, ўттиз саккиз сўм туради, яқинда олганман, менга йигирма сўм берсангиз бўлади.

- Эҳҳе! Иштаҳангиз карнай-ку! Юравериб тамом бўлган бу матоҳингиз. Ким билади, уйга олиб борганимча юриб турадимит ё бузилиб қоладими? Олинг, ўзингизга сийлов, йигирма сўмга, яхшиси, дўкондан янгисини оламан, - дея йўловчи икки қадам босганди, Тўлқин тўхтатди.

- Ака, бу савдо, сиз ҳам ҳеч бўлмаса оладиган нархингизни айтинг.

- Хоҳласа-анг, - деди йўловчи чўзиб, хотиржам сенсирашга ўтаркан, - уч сўм бераман. Нархи – шу. Бўлмаса, ўзинг биласан.

- Ака, сал инсоф қилинг! Ўттиз саккиз сўмлик нарса, мен ҳали овқатланишим керак, йўлга кетади, уч сўмингиз нима бўлади?

- Унда қанча сўрайсан?

- Сал кўпайтиринг.

- Беш сўм...

- Ака...

- Энди ўзинг биласан, мен кетдим.

- Тўхтанг, тўхта-анг... майли, олинг. Жуда қаттиқ одам экансиз!

Тўлқиннинг кўнгли анча ёришди. Икки сўм йўлга кетса, яна уч сўм ортиқча пули қолади. Эҳҳе, уч сўмга нималар харид қилиш мумкин эмас. Ўғлига совға олса-чи? Ажойиб фикр! – У қатор дўконлардан бирига кириб, бир сўмлик қалпоқча танлади. Роса қувониб кетса керак. Мактабдан чақириб олади-да:

- «Топ-чи, нима олиб келдим?» - дейди.

- «Машина», - дейди ўғли.

- «Йўқ».

- «Танк!» - ўғли атрофида ирғишлай бошлайди.

- «Йўқ».

- «Тўппонча!» - ўғли эркаланиб, бўйнига осилади.

Эриб кетган Тўлқин ўғлини маҳкам қучади. Ўпади. Юзини юзига ишқалайди. Кейин билдирмасдан бошига қалпоқчани кийгизиб қўяди.

- «Ийе!» - дейди ўғли ҳайрон бўлиб. Кейин бошидаги совғани қўлига олиб, айлантириб кўради.

Қувонади. «Раҳмат, дадажон!» деб питиллаб ерга тушганча, қалпоқчани силкитиб, югуриб кетади...

Тўлқин яна кассага борди. Поезд келишига ҳали бир соат вақт бор. Вақт бунча имилламаса. Билет олиб қўйса-чи? Э, улгуради!

Тўлқин қайтиб чиқди. Яна юз грамм бўлганда кайфияти жойига тушарди. Лекин у ичмайди. Ичкилик туфайли бошига тушган савдолар етарли. Назарида ҳали қорни тўймагандай. Яна кабоб еса-чи? Бир сўму етмиш тийинга олади. Икки сўм билетга ажратса, яна ўттиз тийин ортиқча пули қолади. Ҳа, ҳа, худди шундай қилади, аммо ичмайди. Бор иродасини тўплаб, бир грамм ҳам оғзига олмайди.

Тўлқин кабобни олиб ўтиргандан кейин бирдан егиси келмай қолди. Ўзини ҳар хил баҳоналар билан ароққа судраб келганини ҳам сезиб турарди. Ўйлаб қараса, овқатни кўнгли тортмаяпти, аммо бир сўму етмиш тийинлик кабобни қолдириб кетиш яхшими? Юз грамм ташлаб олса!? Ҳаммасини ҳазм қилиб юборарди... шунга жуда ароқхўр бўлиб қолмайди-ку, тўғрими?! Фақат кабобга сарфланган пул ҳайф бўлмаслиги учун! Бунга юз грамм кифоя. – Юз грамм! Қачонлардан бери оғзига бир қултум олмаган. Шундай бахиёр дамлари сал кўпроқ ичса, ким уришади? Кимнинг у билан иши бор? Қолаверса, ўз пулига ўзи хўжайин, истаганича сарфлайди. Хоҳласа. Кабоб ейди, хоҳласа ичади.

Тўлқин юз граммни олиб юборди-да, сихга тутинди. Аммо овқатлангиси келмасди. Ўзини зўрлаб ярмини еди. Қолган овқатга қараб, кўнгли бузилди. Шу кабобнинг ўрнига бемалол яна юз грамм олса бўларди. Эллик тийин ортиб ҳам қоларди. Кўрган куни қурсин! Ўтирипди сўппайи-иб!.. Мана, одамлар дўстлари билан ичаяпти. Бир-бирига соғлик тилаяпти. Бари хурсанд. Тўлқин эса якка-ёлғиз, ғирт етим! Онаси ўлиб кетган. Хотини бошқага теккан. Биттаю-битта ўғли кимларнидир «ота» деб чақиради. Тўлқин ҳеч кимга керак эмас. Уни ҳеч ким кутмайди. Қучоқ очиб кутиб оладиган жонкуярининг суяқлари аллақачон гўрда чириб тамом бўлган. Барлосга борса, одамлар яна ундан чўчишади. Аёллар четлаб ўтишади.

Болаларига: «Ана, Тўлқин одамхўр келяпти, қочинглар ундан», деб тайинлашади. Ҳаммаси уни ёмон кўради. Эҳ, бу шўр пешана!

Тўқин туриб, кўчага йўналди. Кабоб совуб қолди. Пул ҳайф кетди. Алвидо юз грамм ароғу, яна эллик тийин пул. Эшикнинг олдида ароқ сотувчи. Тўлқин шашт билан ўтиб кетмоқчи эди, аммо қадами ўз-ўзидан секинлашиб, тўғрига келганда тақа-тақ тўхтади. Кайфият расво бўлди, энди ичиб хумордан чиқмаса, ўзига келмайди. У пулининг ўн тийинини олиб қолиб, қолганини сотувчининг қўлига тутди.

Кассага кетаркан, пули қолмаганини ўйларди. Энди ичмайди, сира ҳам ичмайди. Ўзини шунча алдагани етар. Нима қилиш керак? Чўнтақларини титкилади. Кичкина паккиси бор, ўғлига атаб олган қалпоқча. Қалпоқчани сотса-чи? Ўғлига шундай ҳам бораверади. Совға ҳақида индамай қўя қолади. Ўғлига ота азизми, совға? Қолаверса, бирон нима олганини билиб ўтирибдими? Отаси топилиб борганига хурсанд бўлаверсин. «Ўғлим» деб борганининг ўзи катта давлат, агар ўғли билса.

Тўлқин четга чиқиб, харидор излади. Одамларнинг у билан иши йўқ. Ҳамма ўз йўлига шошади. Қарироқ бир кампир келаверди.

- Хола, - деди Тўлқин унинг йўлини тўсиб. – Неварангизга қалпоқча олмайсизми?

«Хола» ҳайрон бўлиб, оғзидан ароқ ҳиди анқиб турган «савдогар»га қаради.

- Сиз ҳайрон бўлманг, хола. Тўғрисини айтсам, бугун етти йиллик қамокдан озодликка чиқдим.

Хурсандчиликдан озроқ ичгандим. Уйга, ўғлимга совға –салом олдим. Қарасам, йўлга пул қолмапти.

Шунинг учун сотишга тўғри келяпти. Аттанг, яхши қалпоқча эди.

- Етти йилдан бери дейсизми? – кампир унга ишонқирамай қарадию, афт-ангоридан хотиржам бўлди шекилли, қалпоқчани кўра бошлади.

- Ҳа-а, етти йил! – деди Тўлқин жонланиб, кампирнинг овозидаги хайрихоҳликдан кўнгли юмшаб. –

Унда ўғлим туғилмаганди. Ҳозир кап-катта йигит бўлиб қолгандир. Ҳаёт шунақа экан, хола, - у чуқур ух тортди. – Тезроқ борсам дейман, ўғлимни кўрсам дейман...

- Бир сўм берсам бўладими? – кампир унинг орзуларга берилиб кетаётганини кўриб, шартта кесди.

- Бир сўм?! – Тўлқиннинг кўзлари ярақлаб кетди. «Қалпоқчанинг асл нархи бу. Яна ўн тийин бўлса, киссамда ўн тийин бор, ҳаммаси бир сўм йигирма тийин бўлади. – Юз грамм ароқнинг пули. Йўқ, ичмайди. Сираям ичмайди. Ҳозир фақат кетишга пул керак. Йўлга». – Холажон, кам айтмадингиз, аммо билетга бир сўму ўн тийин етмай турган эди. Нима қилсам экан-а? Яна ўн тийин қўша олмайсизми?

- Ма! – кампир айтган пулини чиқариб берди. – Тезроқ уйингга кет. Тағин ичиб, йўл-пўлда юмалаб қолма. Хўпми? Сенга пулни фақат билетга деганинг учун бераяпман. «Ҳе, одамлар! Шу захарни деб нима ёлғонларни гапиришмайди. Етти йил қамалган эмиш...», - деди кампир ўзича йўл-йўлакай.

Тўлқин пулни чўнтагига уриб, кампир узоқлашганча зўрға чидаб турди-ю, югургилаб етганча. Яна юз граммни уриб олди. Кўчага қайтиб чиққанда ҳали эс-хуши жойида, аммо оёқлари қалтирай бошлаган эди. – Тамом! Энди ичмайди. Бу охириги ва қатъий сўзи. Ҳали ўғлининг олдида бориши керак. Мактабига маст бўлиб кирса яхши бўлмайди. Кейин ҳаммаси ўғлининг устидан «отанг ароқхўр экан», деб кулишсинми? Йўқ, Тўлқин бундай бўлишини хоҳламайди. У ҳақиқий ҳурматли оталардек, янги костюмда, галстук тақиб, шляпа кийиб, мактабга дадил кириб боради-да, директорга учрайди: «Ўртоқ фалончиев, мен шунақа-шунақа одамман! Ўғлим қўлингизда ўқийди, уни олиб кетгани келдим», дейди. Кейин ўғли портфелини кўтариб, отилганча кириб келганда у директор билан Пентагоннинг навбатдаги кирдикорларини фош қилиб ўтиришган бўлади. Аммо ҳамма нарсани унутиб, чўккалаганча, қучоғини очади. Ота-бола йиғлаб кўришади. Дирктор ҳам, ўғлини чақириб келган ўқитувчи ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олишади.

- «Ўғлим, мен келдим, - дейди Тўлқин, - сени олиб кетаман»,

- «Кетдик, дада, бу ерда туришга бир минут ҳам тоқатим йўқ», дейди ўғли.

- «Наҳотки мени таниган бўлсанг?» - деб сўрайди Тўлқин ажабланиб.

- «Танидим, дада, - дейди ўғли. – Сизни ҳар доим тушларимда кўрардим. Келишингизни кутдим».

Ота-бола қўл ушлашиб, мактабдан чиқиб кетишади. Директор ва ўқитувчилар орқаларидан ўйчан қараб қолишади.

... Тўлқин гандираклағудай бўлиб, кассага жўнади. Бирдан нигоҳи кетиб бораётган пассажир поездига тушди. Югургилаб, перронга чиқди. – Ўзининг поезди! Шунда кетиши керак эди. Овора бўлиб, билмай қопти. Оббо! Энди нима қилади? Ҳа майли, ҳечқиси йўқ. Бугун бўлмаса, эрта бор. Озод одам, хоҳлаган пайти кетаверади. Аммо киссаси бўшаб қолди. Пул топиш чорасини қилиш керак. Ўғли уни утса-я! Кўзлари тўрт бўлиб ўтиргандир. Дўстларига: «Бугун дадам келадилар», деб мақтаниб қўйган бўлса-я? Тўлқин бормаса! Уят бўлади! Жудаям қаттиқ уят бўлади. Бориш керак! Қандай бўлмасин. Бориш керак.

– У кассага чқинлашди. Навбатдаги поезд қирқ беш минутдан кейин келаркан. Ўшангача пул топиш керак. Йиғлагудай бўлиб, йўлга тикилиб ўтирган ўғлини кўз олдига келтириб, Тўлқин ҳаракатга тушди. Йўқ, у ўғлини хафа қилдириб қўймайди. Ҳақиқий ота эканини исботлайди. Кейин икковлон, ота-бола Барлосга боришганда ўғли дўстларига фахр билан: «Бу киши менинг дадам!», деб кўрсатади. Тўлқин, шундай-шундай деган каби илжайганча, бош силкиб, меҳр билан ўғлининг пешанасидан ўпиб қўяди. Кейин уйга боришади. Ўғли югурганча уйга кириб: «Ойи, дадам келди. Дадам!», дейди. Хотини юшуриб чиқади. Кейин... кейин... кейин нима бўлишини ўйлашни хоҳламайди.

Тўлқин яна кассаларини кавлади. Кичкина паккидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Қанчага олишаркан? Бари бир эмасми? Қўлига пул тушса бўлди. Йўлга етгулик қиладию, уйига жўнайди. Бир сўму йигирма тийинга олишармикан? Юз грамм ароқнинг пулига? Йўқ, у асло ичмайди. Шунчаки, кўнглига келиб қолди-да.

Тўлқин яна харидор кутди. Бепарво келаётган бир ўспирин маъқул тушди. Бунақалар пичоқни яхши кўришади. Ўзи ҳам шу ўсприндай вақтида доим пичоқ кўтариб юрарди.

- Ҳей, бу ёққа кел, - дея уни бармоғи билан имлаб чақирди.

Йигитча ҳайрон бўлди. Гандираклар турган мастнинг кўзлари қўрқинчли эди. Башараси бунча хунук бўлмаса.

- Кел деяпман сенга! - Ярим дўқ, ярим ялиниш аралаш яна чақирди.

Ўспирин ўтақаси ёрилгудай бўлиб, орқасига қарай-қарай, лекин сир бой бермай, секин ёнига келди.

- Менга қара, - деди Тўлқин, ҳар қандай такаллуфни йиғишириб (ёш болага ҳам такаллуфми?), - биласанми, мен кимман? Мени етти йилга қамашганди. Бугун чиқиб келяпман. Мана, - у кассасидаги паккини чиқариб, қайирмасини очди. «Шуни ол, ўткир пичоқ. Менга йўлга пул кера. Қанча берсанг бер», демоқчи эди, аммо йигитча шаталоқ отиб қочиб қолди.

Тўлқин ажабланиб турганди, ўспирин нарироқдаги бир милиционернинг олдига бориб, Тўлқинни кўрсатиб, алланималар деяётганини пайқаб қолди. Кейин икковлашиб, у томонга кела бошлашди. Тўлқиннинг кайфи тарқади. Ҳозир қўлга тушса, яна олиб бориб қамашади. Арз-додини тинглашмайди. Ахмоқ бола эканми бу? Мелисага борадимми? Энди мастлиги, манавининг арзи, пичоқ - далил. Вассалом. Йўқ, уни ўғли кутяпти. Етти йил ётгани етади.

Қочиш керак...

Поезд йўлга чиқаётганди. Юк поезди. Бари бир эмасми? Тўлқин ўшанга қараб югурди. Оёқлари қалтираяпти. Ярим йўлда йиқилиб қолмаса бўлгани...

БИРИНЧИ ҚОР

Ҳабиб одатига кўра эрта турди. Деразанинг табақаларини очганда палатага гупиллаб қор ҳиди урилди. Қор ёғяпти! – Биринчи қор! Оппоқ...

У ҳар куни тонгда югуради. Чиниқиш керак.

Ҳабиб спорт кийимини кийиб, ташқарига отилди. Ҳовлига чиқаверишда мудраб ўтирган қоровул чол унга ҳайрон бўлиб тикилди:

- Ўғлим, бугун қор ёғяпти-ку.

- Ота, бир айланиб келмасам кўнглим тинчимайди.

Қоровул чол ўзи шунақа. Ҳабиб ҳар сафар эрталаб чиқаётганда бир баҳонани айтиб туради. Бир «совуқ» деса, иккинчи гал «ёмғир ёғяпти», дейди. Ҳабиб ҳар сафар шу тахлит жавоб қайтариб, ўтиб кетаверади. Чол унга қараб қолаверади: «Ғалати йигит!»

Ҳабиб югуриши керак. Соғлигига фойдали. Аммо қор кўп ёғипти. Совқотиб қолмасмикан? Ҳечқиси йўқ, бир айланса, қизийди.

Қор ёғарди. Биринчи қор!

Ҳабиб секингина югуриб кетди. Қор майин-майин. Цемент йўлка бўйлаб эмас, худди момик кўрпа бўйлаб югураётгандай. Қор бетларига, сочларига урилади. Мулойим-мулойим, гўё суйган қизи эркалаётгандай. Ҳабибнинг завқи келди. Қўлларини ёзиб, осмонга қаради. Оғзини каппа-каппа очиб, қор дончаларини юта бошлади. Баданида роҳатли жунжикиш сизди-да, яна югуриб кетди. Қандай яхши! Биринчи қор бўйлаб ҳали ҳеч ким юрмапти. У ортига қаради: қорда фақат унинг излари яхлит-яхлит бўлиб қолган.

Гулсара нима қилаётган экан? Ўрнидан турдимикан? Биринчи қорни кўрдимикан?

...Ўшанда ҳам қор ёққанди. Студентчилик. Йигитлик қони кўпирган пайт. Ҳабиб бир тўда ўртоқлари билан кўчада дилозорлик қилиб, тўғри келган қизга қор отиб, иложи бўлса, тўхтатиб, юзига ишқаётгандилар. Ҳабиб отган қор ногоҳ йўлка четида бораётган қизнинг елкасига тегди. Қиз тўхтаб, қорни қоқди, ўгирилиб, ўзига ишшайиб турган аллақандай йигитни кўрди-да, ҳеч нарса бўлмагандай, йўлида давом этди. Бу Ҳабибга таъсир қилди. Қорни думалоқлаганча югуриб, қизга етди. Елкасидан тутиб, юзига ишқалади. Вожаб! Қиз на қаршилиқ кўрсатди, на ҳимояланиб эгилди. Юзидаги қорни осойишта артиб, Ҳабибга бамайлихотир қараб турарди. Бу кўзлар: «Бўлдими, ё яна бошқа ҳунарларинг ҳам борми?», деб сўрарди.

Қаршилиқ кўрсатса бўлмасмиди? Дод-вой қилиб қочса бўлмасмиди? Бу қандай бедодлик? Йигит ва қиз. – Ҳабиб ва Гулсара! Бир-бирига тикили-иб туришарди. Ҳабиб қизнинг чинқиришини, хурсанд бўлиб ўзини ҳимоя қилишини, ҳеч бўлмаганда иккита нордон гап айтишини кутганди. Агар шундай қилса, ердан яна қор олиб, ўхшатиб, юзига ишқамоччи эди. Бунинг гашти бошқача-да. Кўчада кетаётган қизларнинг кўпчилиги шунақа қилишади. Чинқиришади. Узоқроққа боргандан кейин хурсанд бўлиб, мушт ўқталишади. Аммо бу қиз...

Қизнинг юзига яна қор чаплаш учун кўтарилган қўл аста-секин ёнига осилди. Мушти ёзилиб, қафтидаги қор ерга тушди. Лол бўлиб, қизнинг кўзларига тикилди. Ҳайҳот! Бу кўзларда нима бор? Йигитнинг юрагига бир нима қаттиқ урилгандай, вужуди қизиб кетди. Қўллари қалтирай бошлади. Нималардир демоқчи эди, овози чиқмади. Томоқларигача қалтирарди. Илжаймоқчи бўлди, аммо уддалай олмади. Юзи худди йиғламоқчи бўлаётган киши ҳолатини акс эттирди. Қиз эса ҳамон осойишта тикиларди. Йигит кўзларини олиб қочди. Ий-е! Ҳабиб бунчалар бўшанг эмасди-ку. Унга нима бўлди?

Йигитдан садо чиқмагандан кейин қиз аста ёнидан ўтиб, йўлида давом этди. Ҳабиб ортидан қараб қолди. У ҳозир бирон бир жўяли тадбир ўйлаб топишга ноқодир эди...

Ҳабиб касалхона атрофини бир марта айланиб чиқди. Одати бўйича яна икки марта айланиши керак. Сочлари оппоқ бўлиб қолибди.

... Ўшанда Ҳабиб бирдан сушлашиб, ўйчан кета бошлади. Югуриб юрган дўстларидан бири унга қор отди. Қор қулоғининг тагига тегиб, баданини ачиштирди, аммо Ҳабиб қорни ҳеч қандай ҳис-ҳаяжонсиз қоқиб ташлади. Назарида, юраги бирдан бўшаб қолгандай. Илгари ҳам шундай, юш бўлгану, буни ўзи пайқамандай. Бўш жойни тўлдириш жуда зарур эди, шекилли.

Ғайритабиий қиз! Кўзлари сокин қиз! Юришлари бамайлихотир қиз! Ким экан у? Яна учратармикан? Йўқ. Учратмади. Тасодиф билан бир дуч келдию, Ҳабибнинг ороми бузилди. Унга нимадир етишмайди. Орадан бир йил ўтди. Нимагадир Ҳабиб нуқул ўша воқеани, ўша қизни қайта-қайта эслайверди.

Ёппасига рентген кўригидан ўтишаётганда Ҳабибнинг ўпкасида доғ борлиги аниқланди. Ана холос!

Соппа-соғ одамга бетинг-кўзинг демай, «ўпка касалсан», деса алам қиларкан. Ҳабибнинг ҳеч ери оғримасди ахир! Бари бир врачлар қўйишмади: касаллик энди бошланаётган эмиш. Олди олинса яхши бўлармиш. Касалхонага тушгандан сўнг иккинчи куни унга дори ёзишди. Рухсиз бир ҳолатда кечки овқат олдидан дори олиш учун ҳамширанинг хонасига кирди. Ўз хаёллари билан бўлиб, узатилган дорини олганча, изига бурилганди...

- Шу ерда ичинг!

Ҳабиб ҳамширанинг овозини эшитди-да, бошини кўтарди. Кўтардию, вужудига нимадир югуриб, қизиб кетди. Қўллари бемажол икки ёнига осилди. Мушти ёзилиб, кафтидаги дорилар полга тушди. Ҳамшира унга синовчан тикилиб турарди. Йигит ва қиз! – Ҳабиб ва Гулсара! Ўша! Юзига қор ишқалаган қиз! Ҳамшира экан-а! Қандай яхши! – Ҳабиб титрарди. Бутун борлиғи титрарди.

- Сизга нима бўлди? – еб сўради қиз. У ҳайрон.

Йигит ўзига келиб, эгилганча, дориларни тера бошлади.

- Ташланг энди. – Қизнинг меҳрибон ва далдали овози эшитилди. – Бошқасини бераман.

Ҳабиб қаддини ростлади. Ҳамшира унга янги дори тутди. Олаётиб, кафти кафтига тегиб кетди. Бирдан... бирдан Ҳабибнинг юрагидаги бўш жой тўлгандай бўлди. Ҳаяжони кучайди. Аммо қиз бепарво. Бир-икки марта ажабланиб қараб қўйгандай бўлди: «Фалати йигитга ўхшайди. Бунча қизариб-бўзармаса...»

Ҳабиб ҳайрон. Қиз уни танимади. Эйтибор бермади. Исми Гулсара экан. Барлос қишлоғида яшаркан. Кечки навбатчиликка ҳар уч кунда бир келаркан.

Ҳабиб энди ҳар сафар интизорлик билан Гулсаранинг навбатини кутади. Қиз танимагандан кейин у ҳам ҳеч нарса дея олмади. Алоқалари расмийлигича қолаверди. Қачон у келса, Ҳабиб дори ичишга интиқ. Бир неча дақиқа Гулсарага тикилса, кифоядай туюладию, аммо дорини ичиб чиқиб, ўзидан қониқмай, яна Гулсарани кўргиси келаверади. Қайтиб киришга истиҳола қилади-да, коридорда деворга суяниб тураверади. Тураверади, тураверади... То ҳамшира бир кўринмагунча ҳеч ёққа кетмайди. Агар чиқса, гўё ўзини унга эйтибор бермаётгандай кўрсатишга уринадию, бари бир...

Ҳабиб касалхонани иккинчи марта айланиб чиқди. Ҳаракати енгиллашиб, янада тезроқ югурди. Сочлари оппоқ қор. Ким айтади уни сил касал деб? Сил касал шундай югура оладими? Ҳали врачларга соғлигини исботлайди. Шошмай туришсин. Ҳабиб энди анча тез югурса-да, ҳамон бурнидан нафас олишга ҳаракат қиларди. Охирги икки юз қадам қолганда оғзини очди. Нафас олиш жуда осонлашиб, оғриётгандай бўлаётган оёқлари енгил кўча бошлади. Охирги юз қадамни, худди иккинчи нафас йўли очилгандай, жуда тез югуриб ўтди.

Югуришдан кейинги махсус машқларни бажариб бўлганида Ҳабибнинг юзида тер томчилари пайдо бўлганди. Йўлакда бир-иккита одам боряпти. Телпақ, пальто кийиб олишган. У эса спорт пиджагини ҳам ечиб ташлади. – Жуда иссиқ! Баданини ушлаб кўрди – сув бўлиб кетибди. Юзига, бўйнига, билакларига, кўкрагига қор ишқалади. Қани энди, ҳозир Гулсара ҳам ёнига югуриб келсаю, иккови қорбўрон ўйнашса. У қаршилиқ кўрсатса. Кулса. Қочса. «Акажон, бошқа керакмас, бўлди, қўйинг!», деб ялинса. Муштоқ ва меҳрибон кўзларини тикса. Ҳабиб ҳам қўлидаги қорни ерга ташлаб, қизга тикилса. Синовчан кўзларига тўйиб-тўйиб боқса. Дори тутган қўлларини узоқ-узоқ ушласа. Унинг ҳарорати бунга ўтса. Бунинг ҳарорати унга ўтса. Баб-баробар ҳаяжондан қалтирашса. Баб-баробар бир-бирига интилишса... Фақат иккови бўлса. Йигит ва қиз! – Ҳабиб ва Гулсара! Севгига ташна юраклар! Улар висолни кутадилар! Ширин дамларни кутадилар! У дамлар келармикан? ..

Гулсара кеча кечқурун навбатчиликка келган эди...

Ҳабиб ўзини қорга ташлади. Кенг пешанасини қорга босиб, бир дам ўйларига ором берди ва!.. Топди! – Ҳабиб қувониб кетди. – Биринчи қорни совға қилади. Севгилисига! – Гулсарага! Ўша дамларни эслатади...

Қўлида бир ҳовуч қор билан ҳамшира хонаси ёнида Ҳабиб пайдо бўлди. Юзи ҳовриққан, намланган, сочидаги қорлар эриб, юзига сизяпти. Юраги гурсиллаб ураётгани кўп югурганидан дейиш мумкин. Аслида висол дамларини кутиб, изтиробга тушаётганидан.

Ана! Эшик ортида у истаган қиз бор. - Гулсара! Мен келдим!

Ҳабиб эшикни тақиллатди. Ичкаридан жавоб эшитилдию, остонада ҳамшира пайдо бўлди. – Гулсаранинг дугонаси, улар бирга навбатчилик қилишади. Ҳамшира йигитнинг бесаранжом ҳаракатларидан кулгиси қистаб, бир юзига, бир қўлидаги қорга тикилди.

- Илтмос, Гулсарани чақириб юборинг.

- Гулсара кетган.

- Кечқурун шу ерда эди-ку!
- Кечқурун шу ерда эди. Тонг азонда кетди, - деди ҳамшира зарда қилиб. – Яна саволлар борми?
Ҳабиб қўлидаги қорни эзғилаганча, изига қайтди. Узун коридор бўйлаб, қордан сирқиган сув томчилари йўл бўйлаб борарди. Худди кимнингдир аламли кўз ёшларидек.
Гулсара уч кейинги навбатчилигига келмади. Бир ҳафтадан кейин ҳам, бир ойдан кейин ҳам...
Гулсара қандайдир бир шофёр йигитга эрга тегиб кетган эмиш...

ҲАЁТНИНГ БИР ЛАҲЗАСИ

Охун бу тўғрида аввал ҳам ўйлаган, бир-икки марта бормоқчи ҳам бўлган, аммо юраги дов бермаганди. У бева ҳақида ҳар хил гаплар юрарди. Назокатни айтяпти. У илгари шаҳарда яшарди. Қишлоқда онаси бор. Назокат ҳар ҳафта онасиникига келиб турарди. Ҳар сафар ҳар хил одамлар уни ўзларининг енгил машиналарида олиб келиб, олиб кетишарди. Шофёрларнинг ҳам кўпи яхши таниркан. Бирга йўлга чиқиб қолган одамлар айтишади. Кўчада кўринди дегунча у шофёр ҳам кабинадан бошини чиқариб: «Назокат опа, олиб кетайми?», деб ишшайаркан, бу шофёр ҳам.

Баҳорда Назокат қишлоққа кўчиб келди. Бировлар Назокатни эри ҳайдаб юборган, дейди. Бошқалар, ўйнаши билан қўлга тушганмиш, дейди. Ишқилиб, қишлоқда Назокат ҳақида турли миш-мишлар кўп. Хўжалик Назокатга алоҳида уй берди. Ҳозир бўлимда буғалтир бўлиб ишляпти. Назокат негадир қишлоқ одамлари билан унчалик очилиб гаплашмайди. Ўзини катта оладими ё бошқа сабаби борми, ишқилиб, ҳар ким билан гаплашавермайди. Мабодо иш юзасидан лозим бўлиб қолсагина савол-жавоб қилади. Биров билан гаплашса, худди ҳар бир сўзини қарзга бераётгандай, қийналади. Бир марта Охун ярим ойда қанча ишлаганини, неча пул олиши кераклигини билмоқчи бўлиб борган эди. Назокат Охун билан чимирилиб гаплашди-ю, бироқ нариги ёнида ўтирган бош буғалтирга қараганда овози у ёқда турсин, юзигача майинлашиб кетди. Одамнинг башараси ҳам шунақа тез ўзгараркан. Назокат келганидан бери бош буғалтир ҳам бошқача бўлиб қолган. Асли қўпол одам, ходимаси билан сўзлашганда бирам мулойимлашадики. Одамнинг кулгиси қистайди.

Назокатнинг ўзи зўр нарса. Кўрган эркакнинг кўнгли бир орзиқади. Ёши ўттиздан ошса ҳам кўриниши турмушга чиқмаган ўн саккиз яшар қиздай. Миш-мишларга қараганда, у эркакларни танлаб-танлаб юрармиш. Охунга ўхшаган кетмончию-тракторчиларни яқинига йўлатмасмиш. Ҳозир ҳам баъзи танишлари кечалари ўз машиналарида келиб туришаркан. Кўрган-билган қўшнилариининг гапи бу. Шунини ўйлаб, машинаси йўқлиги баъзан жуда алам қилиб кетади. Ҳозир ҳар бир дўкдорнинг ҳам биттадан машинаси бор. Унча-мунча одамларни назар-писанд қилишмайди. Ҳеч бўлмаганда дўкдорликка ўқимайдими? Назокатнинг эшигигача машинада борарди.

«Салом, Назокатхон, - дерди, - мана, аҳволингиздан хабар олгани келдик».

«Келинг, келинг», - дерди у жилмайиб.

Кейин икковлари ичкарига киришади.

«Мен бу онни анчадан бери кутаман», - дерди Охун тўлиб.

«Мен ҳам сизни қачон келаркансиз, деб интизор бўлиб кутаётган эдим», - дерди Назокат.

Кейин... Ҳа, Охун Назокатни кўп ўйлайди. Ўйламайин, деса ҳам бўлмайди. Тўртта эркак йиғилса, дарров Назокатни ғийбат қилишади. Унақа эмиш, бунақа эмиш. Униси билан ундай иш қилипти, буниси билан бундай иш қилипти. Ҳамма гапиравергандан кейин ишонмайман деган гапингга ҳам қандай ишонганини билмай қоларкансан.

Бугун қўшниларикига молхонасининг томини сувашга ҳашарга борган эди. Беш-олти киши бир ярим соат ишни битиришди. Илгак томнинг устида туриб, илгакли арқон билан пақирдаги лойни тортиб олаётганда: «Яхшилаб торт, бўйрдоқ йигитсан-ку, - деб қолди биттаси. – Ё кучингни Назокатникига ташлаб келяпсанми?»

Шундан кейин бошланди... Бири у деди, бири бу деди. Кейин ҳашар оши ейишди. Ораларида бўйдоқ йигит битта ўзи экан, ҳаммаси ўртага олди.

- Е, тўйиб еб ол. Биз сени биламиз, бари бир оқшом Назокатникига борасан. Боргандан кейин зўр бўлиб бориш керак, - деб ҳазил қилишди.

Албатта, улар ҳазилнинг чинга айланишини билмасдилар. Охун нималарни ўйлаётгани хаёлларига келмаган. Шунчаки ўтириш қизиши учун гап қовлашарди.

- Ўзи қурғур яхши нарса-да, - деди биттаси.

Билмасдики, айнан Охуннинг кўнглидаги гапни айтяпти. Билмасдики, Охуннинг юрагини ўртаяпти. Билмасдики, Охун ўтириш тугагандан кейин тўғри Назокатникига кетади. У шунчаки бир омади гапни айтарди.

- Сен, бола, яширяпсан, - деди ҳалиги киши яна Охунга кўзларини айёрона тикаркан. Нигоҳида: «Ҳа-а, мен сени биламан. Кўнглингдан нима кечяпти, кўриб турибман, айт, айт, нима дардинг бор, ҳаммасини айт», деяётгандай бўларди. Аслида, шунчаки Охуннинг бўйдоқлиги, керак бўлса, Назокатга ўхшаганларникига бемалол бора олиши мумкинлигидан, бунинг учун хотини, бола-чақаси халал бермаслигини ўйлаб, ҳасад аралаш ҳаваси келаётганди.

Тарқалишаётганда Охун одамлар шубҳа қилмаслиги учун ўз ҳовлиларига кири. Кўчада ҳеч ким қолмагандан кейин тўғри Назокатникига равона бўлди. Назокатнинг уйига яқинлашган сари юраги ҳаяжондан қаттиқ дукиллаб ура бошлади. Хоналарининг чироғи ўчган. Ухлаб қолганмикан ё ҳали уйғоқмикан? Охунни қандай кутиб оларкан? Эшигини очиб кирганда Назокат ётган жойидан кўтарилиб, устидаги кўрпани очиб ташласа, юзига бахтиёрлик ёйилиб: «Келинг, Охунжон! Мен сизни кўтяпман», деса. Охун ўзини келишган жувоннинг бағрига отса. Эрталабгача ухлашмаса. Тонг олдидан остонада хайрлашишса:

«Хўп, энди боринг, одамлар кўриб қолмасин, - деса Назокат, аммо қўлларини қўйиб юбормаса. Хумор кўзларини тикиб: - Бугун оқшом яна келинг. Хўпми?!», деса ноз билан.

«Хўп!» - деса Охун.

«Тағин алдаб кетманг, - деса Назокат эркаланиб. – Сиз эркаларнинг шунақа одатингиз ҳам йўқ эмас».

«Ишонинг, келаман, мен сизни ҳеч қачон алдамайман».

«Сизни ҳеч кеткизгим келмаяпти», - дея Назокат яна унинг бўйнига осилса... Зўр бўларди. Эҳҳ!

Охун ҳарбий хизматни ўтаб келди. Баҳоли қудрат хўжалиқда ишляпти. Топиш-тутиши ёмон эмас. Отаси эса қўлига пул тушди дегунча ичади. Шунча йилдан бери бирга яшаб, онаси маст одам билан гаплашишини билмайди. Онаси отасини индамасдан олиб кириб ётқизиш ўрнига, дарров: «Яна ичиб келдингизми? Болаларингизни ўйламайсизми? Қирилгур! Шўрингга шўрва тўкилгур!», - деб қарғанаверади. Қайси мастга ортиқча гап ёқади? Отаси онасини қувади, қўлига тушган нарсасини олиб отади, уйдан ҳайдаб чиқаради. Кичкиналигида Охунларни ҳам қаторлаштириб ураверарди.